



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

ТАРИХ ЙЎНАЛИШИ

**IV “Н” гуруҳ талабаси Ғофурова Ораста
Ғуломовнанинг**

**“Европа иттифоқининг ташкил топиши ва унинг
ривожланиш босқичлари”**

МАВЗУСИДАГИ

**БИТИРУВ
МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:
ўқитувчи Б.Б.Абдуллаев**

Қўқон – 2011

Режа

Кириш

I боб. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европадаги интеграцион жараёнлар

1.1. Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси (European Coal and Steel community)дан Европа ҳамжамиятларини барпо этишга томон

1.2. Европа ҳамжамиятларидан ягона Европа ҳамжамиятига

II боб. Европа Иттифоқи: XXI асрга қадам

2.1. ЕИнинг шаклланишида Маастрих шартномасининг ўрни

2.2. ЕИда интеграциянинг чуқурлашиши ва аъзо давлатлар сонининг ортиши

2.3. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлиги

Умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз Ислом Каримов янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги маърузасида (2010 йил 27 январь) «Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бир-биридан масъулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир» дер экан, мутлақо ҳақ эди.¹ Дарҳақиқат, ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллигида жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил этиш шу даврда эндигина истиқлолга эришган Ўзбекистон учун мустақил ташқи сиёсатини юритишда катта аҳамиятга эга эди. Жумладан, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам айтиш мумкин, шу соҳадаги билимлар, кўникмалар, тажрибаларга бевосита боғлиқлигини унутмаслик лозим.

БМИ учун танлаб олинган мавзунинг долзарблиги, аввало, дунёдаги давлатлар ўртасида кечган энг муваффақиятли интеграция жараёнларини босиб ўтган халқаро ташкилот - Европа иттифоқи, унинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш бевосита шу ташкилот билан алоқалари кенгайиб бораётган мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ. Қолаверса, бу халқаро ташкилотнинг шаклланиши тарихини ўрганиш бошқа мамлакатлар ўртасидаги интеграцион жараёнларни таҳлил қилишга ва тегишли хулосалар чиқариш имконини беради. Шу билан бирга Европанинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги босиб ўтган тараққиёт йўлини таҳлил қилиш имконини туғдиради.

¹ Каримов И. А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18. - Т.: 2010. 137-бет.

Бундан ташқари, танлаб олинган мавзунинг долзарблигини уни илмий ва амалий тадқиқ этиш ҳамда тизимли ўрганишга доир хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж билан асослаш мумкин.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида халқаро ташкилотларни илмий ва амалий жиҳатдан кенг таҳлил қилишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, бу масалага мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарларида катта эътибор қаратилганки, уларда илгари сурилган ғоялар бевосита Ўзбекистоннинг муҳокама қилинаётган халқаро ташкилотга нисбатан муносабатини белгилайди¹. Бу бевосита ушбу муаммоларнинг долзарблигидан келиб чиқади.

Европа иттифоқидаги интеграцион жараёнларнинг ривожланиши ва Ўзбекистон Республикасининг бу ташкилот билан алоқаси масалалари кўпқиррали ва долзарб бўлганлиги учун ҳам кўпчилик хориж ва ватандош тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда, сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, тарихчи олимларимиз томонидан мавзуга доир бир қатор тадқиқотлар нашр этилди. Жумладан, Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, Век XX: политика, люди, судьбы. Авт.сост. Ш.Эргашев, Т.Бобоматов, Н.Турсунов. – Т.: «Шарк», 2007, Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. Олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари жамияти, 2009, Жўраев Н. Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. тўлдирилган ва қайта нашр. –Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009, Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: «Akademīya», 2005, Саидкасимова Б. Магнетизм европейской интеграции // Ҳуқуқ-Право-Law. - 2004. - №2. 65-бет, Мирзаев Т. «Европа - Кавказ - Осиё транспорт йўлаги, Trasesa», Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий

¹Каримов И.А. Тўла асарлар мажмуаси. 1-18 жилдлар.

энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 412-413-бетлар, Мирзахолов А. «Евро (Euro)», Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 405-бет, Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2001, 213-214-бетлар, Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2005, 373-бет, Камолова З. Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги. «Жамият ва бошқарув» журнали. 2010 йил, 4-сон, 91-бет, http://mfa.uz/rus/mej_sotr/uzb_mejd_org/uzbekistan_es/, http://europa.eu/about-eu/eu-history/index_en.htm, Заболотный В.М. Новейшая история стран Европы и Северной Америки: Конец XX – начало XXI века. Учебное пособие для студентов. –М.: Издательство АСТ, 2004, Арах М. Европейский союз: видение политического объединения. М., 1998, Борхардт К. Д. Азбука права Европейского сообщества. М., 1994, Бузгалин А. Вглядываясь в XXI век: Европейский Союз и СНГ. М., 1998, Глухарев Л. И. Общественные процессы и гуманитарная Европа. М., 1995, Журкин В. В. Европейский Союз: Внешняя политика, безопасность, оборона. М., 1998, Западная Европа на пороге третьего тысячелетия: безопасность, политика, экономика. М., 1995, Европа на пороге XXI века: ренессанс или упадок? М., 1998, Европейский союз: новый этап интеграции. М., 1996, Европа и Россия: проблемы южного направления. М., 1999, Европейская интеграция, Большая Гуманистическая Европа и культура. М., 1998, Европейский союз: Путеводитель. М., 1998, Европейская комиссия: Программа Тасис. Брюссель, 1998, История европейской интеграции (1945—1994). М., 1995, Капустин А. Я. Европейский союз: интеграция и право. М., 2000, Керни Р. Диалоги о Европе. М., 2002, От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в док. 1973—1994. В 3 т. М., 1997, Пономарев М.В., Смирнова С. Ю. Новая и новейшая история стран Европы и Америки. Практическое пособие. В 3 ч. М., 2000, Развитие интеграционных процессов в Европе и России. М., 1996, Россия и

основные институты безопасности в Европе: вступая в XXI век М., 2000, Синджански Д. Федеративное будущее Европы. От Европейского Сообщества до Европейского союза. М., 1998, Стародубов В. П. Супердержавы XXI века: Стратегическое противоборство. М., 2001 ва бошқалар ушбу мавзу доир муаммоларни тадқиқ этганлар.

Мамлакатимиздаги марказий нашрлар, ижтимоий-сиёсий журналларда ва газеталарда ҳам бир қатор илмий, публицистик мақолалар эълон қилинган бўлиб, уларда Европа Иттифоқининг ривожланиши, жумладан Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлиги тўғрисида сўз боради. Амалга оширилган тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, мавзу бўйича салмоқли ишлар чоп этилганлиги муҳим ютуғимиздир.

Биз ўз тадқиқотимизда юқорида келтирилган тадқиқотларнинг муҳимлиги ва долзарблигини эътироф этган ҳолда, Европа Иттифоқининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги илк интеграцион жараёнларидан то бугунги кунгача бўлган ривожланиш тарихини қамраб олишга ҳаракат қилдик ва халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи нуқтаи назардан ўрганишни асосий мақсад қилиб олдик.

Тадқиқот мақсади. Европа иттифоқининг шаклланиши ва ривожланиши мавзусини халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи нуқтаи назаридан ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европадаги интеграцион жараёнлар;
- Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси (European Coal and Steel community) Европа ҳамжамиятларини барпо этишга дастлабки қадам;
- Европа ҳамжамиятларидан ягона Европа ҳамжамиятига сари қадамлар;
- Европа Иттифоқининг янги асрга қандай сифат ўзгаришлари билан ўтганлиги;
- ЕИнинг шаклланишида Маастрих шартномасининг ўрни;
- ЕИда интеграциянинг чуқурлашиши ва аъзо давлатлар сонининг ортиши;

- Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлиги масалалари ва ечимларини тадқиқ этишдан иборат. Шу билан бирга мавзуга доир умумий хулоса ва назарий-услубий тавсияларни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Тадқиқот объекти ва предмети. Иккинчи жаҳон урушидан, бугунги кунга қадар бўлган Европадаги интеграцион жараёнлар тадқиқотнинг ўрганиш объектидир.

Тадқиқотнинг предмети ЕИнинг шаклланиш босқичлари, ЕИ ва унинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини ўрганиш, илмий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Муаммони ўрганишда таҳлил, умумлаштириш, тарихий, тизимли ва европадаги интеграция жараёнларини кузатиш каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Мавзунинг илмий янгилиги ва аҳамияти. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил этиш шу даврда эндигина истиқлолга эришган Ўзбекистон учун мустақил ташқи сиёсатини юритишда катта аҳамиятга эга. Жумладан, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи ҳам айни шу соҳадаги билимлар, кўникмалар, тажрибаларга бевосита боғлиқлигини унутмаслик лозим.

Европа иттифоқи, унинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш бевосита шу ташкилот билан алоқалари кенгайиб бораётган мамлакатимиз учун катта аҳамият касб этади. Қолаверса, бу халқаро ташкилотнинг шаклланиши тарихини ўрганиш бошқа мамлакатлар ўртасидаги интеграцион жараёнларни таҳлил қилишга ва тегишли хулосалар чиқариш имконини беради. Шу билан бирга Европанинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги босиб ўтган тараққиёт йўлини таҳлил қилиш имконини туғдиради.

Битирув малакавий иш кириш, иккита боб, бешта параграф, умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I боб. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европада интеграцион жараёнлар

1.1. Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси (European Coal and Steel community)дан Европа ҳамжамиятларини барпо этишга томон

Тарихда европа худудида Европа Иттифоқи билан таққослаш мумкин бўлган Ғарбий Рим империяси, Франклар давлати ва Муқаддас Рим империяси каби йирик давлат тузилмалари мавжуд бўлган. Сўнгги минг йиллик давомида европа парокандаликка юз тутди. Европа қўшма штатларини тузиш ғояси Америка революциясидан кейин пайдо бўлди.

Бу ғоя иккинчи жаҳон урушидан сўнг аниқроғи, 1946 йил 16 сентябрда Цюрих университетида У.Черчил сўзлаган нутқда Америка Қўшма штатларига ўхшаган «Европа қўшма штатлари»ни барпо этиш лозимлиги эълон қилинганидан кейин яна жонланди. Натижада 1949 йилда Европа кенгаши ташкилоти тузилди ва у бугунги кунга қадар фаолият юритмоқда.¹ Европа кенгаши ўз фаолиятини европа давлатларида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига қаратиб, БМТнинг ҳудудий эквиваленти сифатида мавжуд бўлиб келмоқда.

Европа кенгаши (ЕК) - Европа давлатларининг ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига кўмаклашувчи халқаро ташкилот бўлиб, унинг мақсади: аъзо мамлакатлар ўртасида яқин алоқаларни таъминлаш; Европанинг демократик ва хавфсиз маконга айланишига, плюралистик демократияни ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, европача ўзини ўзи англаш ва маданий бир хилликни ривожлантиришга ёрдам бериш. Европадаги 40 дан ортиқ давлат аъзо ҳисобланади.² ЕКга аъзо бўлиб киришни истаган давлат муайян талабларга жавоб бериши керак: унинг давлат муассасалари ва ҳуқуқий тузилиши демократиянинг асосий принципларига, инсон ҳуқуқларига риоя

¹ Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, 477-бет.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 410-бет.

этилишига мувофиқ бўлиши лозим, халқ вакиллари эса эркин, тенг ва умумий сайловлар йўли билан сайланиши керак. ЕКга қабул қилишда, жумладан, фикрни ифодалаш эркинлиги бўлиши, миллий озчиликлар ҳимояланиши, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этилиши мезон ҳисобланади. ЕК аъзоси инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг қатнашчиси бўлиши шарт.

ЕКнинг қуйидаги органлари бор:

1. Вазирлар қўмитаси.
2. Парламент ассамблеяси.
3. Тармоқ вазирлари кенгаши.
4. Котибият.¹

Вазирлар қўмитаси ЕКнинг олий органидир. У аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларидан ташкил топади ва ЕКнинг иш дастури юзасидан қарорлар қабул қилади, турли ҳукуматлараро ихтисослашган қўмиталар, тармоқ вазирлар кенгашлари таклифлари бўйича қарорлар чиқаради, ЕК бюджетини қабул қилади ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси аъзоларини тайинлайди. Одатда, йилига 2 марта вазирлар даражасида йиғилиш ўтказилади. Парламент ассамблеяси миллий парламентлар депутатларидан ташкил топган депутатлар ва уларнинг ўринбосарларидан иборат. Ассамблея кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилади, тавсиялар ишлаб чиқади, конференция, коллоквиум ва очиқ парламент мажлисларини ташкил қилади. Бош котибни ва унинг ўринбосарини, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди судьяларини сайлайди. Котибиятни 5 йил муддатга сайланадиган Бош котиб бошқаради. ЕК органлари Страсбург шаҳрида (Франция) жойлашган.

Европа интеграцияси ва Европа ҳамжамиятлари (Европа иқтисодий ҳамжамияти, атом энергияси бўйича европа ҳамжамияти) номини олган давлатлараро тузилмаларни шаклланиши жараёнини кўмир ва пўлат бўйича

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 411-бет.

Европа уюшмаси (European Coal and Steel community) - Ғарбий Европа мамлакатларининг давлат монополистик ташкилотининг тузилиши бошлаб берди. Европадаги интеграцион жараёнлар тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов «...Европа Иттифоқида интеграция жараёнларига ёндашувлар интеграциялашаётган давлатнинг батамом суверенлиги, ихтиёрийлик ва уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланади...

Биринчидан, энг муҳими шундаки, Европа Иттифоқини шакллантириш бир неча ўн йилликларни ўз ичига оладиган узок тарихга эга, Маастрихт битимлари эса - давлатлар, уларнинг раҳбарлари босиб ўтган катта йўлнинг натижасидир...

Иккинчидан, Европа Иттифоқига барқарор, мустаҳкам демократик ижтимоий давлат тузилмаларига эга бўлган, пухта бозор ва ҳуқуқий қонунчилик нормаларини, уларни рўёбга чиқариш механизмлари ва инфраструктурасини шакллантирган мамлакатлар бирлашган....

Учинчидан, демократик тартиблар ва кадриятлар бу мамлакатлар аҳолиси мутлақ кўпчилигининг ижтимоий онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган...

Тўртинчидан, Европа Иттифоқидаги мамлакатларнинг кўпчилиги тахминан тенг, анча юқори иқтисодий имкониятларга эга. Ўзининг ривожланиши жиҳатидан яққол афзалликларга эга давлатлар йўқ...»¹ деб баҳо берган.

Европа кумир ва пўлат бирлашмаси — Европа ҳамжамиятини ташкил этган мамлакатларнинг кумир ва пўлат умумий бозорини бошқарган биринчи раҳбар орган. 1950 йилда Франция ташқи ишлар вазири Р. Шуман таклиф этган режага асосан 1951 йилда кўмир, темир рудаси қазиб олиш, пўлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. 1950 йил 9 майда сўзлаган нутқида Р.Шуман биринчи бўлиб Европа кумир ва пўлат

¹ Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: 1998. 52-бет.

бирлашмаси тузиш ғоясини илгари суради.¹ Шу сана бугунги кунга қадар Европа Иттифоқининг туғилган куни сифатида нишонланади(1985 йилда Европа Иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан шу ҳақда қарор қабул қилинган). Дастлаб бирлашмага Европа ҳамжамиятининг олти мамлакати (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург) кирган, кейинчалик Европа Иттифоқининг бошқа аъзолари ҳам қўшилди. Ғарбий Европада қазиб олинadиган деярли барча тошқўмирни, чўян ва пўлат эритишнинг 90%ни, темир рудаси қазиб олишнинг 90%ни назорат қилади.²

Бу ташкилотни тузишдан мақсад:

- Ғарбий Европани сиёсий ва иқтисодий қайта тиклаш;
- Бирлашмага кирган давлатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга йўл очиш;
- Минтақада эскича қарама-қаршиликларнинг қайта уйғонишга йўл қўймаслик;
- Германия (ёки унинг бир қисми)ни Ғарбий блокка интеграциялаш; собиқ СССР нинг сиёсий ва иқтисодий таъсирига акс таъсир кўрсатишдан иборат эди.

Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси 1951 йил 10 апрелда Парижда Бельгия, Италия Люксембург, Нидерландия, Франция, ГФР томонидан 50 йилга мўлжаллаб тузилган ҳамда 1952 йил 25 июлдан кучга кирган шартнома асосида юзага келган эди. 1973 йил 1 январдан бу ташкилотга Буюк Британия, Дания, Ирландия, 1981 йил 1 январдан эса Греция кирди. 1975 йилдан бошлаб ташкилот Ғарбий Европада пўлат қуйишнинг 90%, кўмир қазиб олишнинг 100% ва темир рудаси қазиб олишнинг 50% ни назорат қилар эди. 2002 йил 23 июнда шартнома муддати тугаганлиги муносабати билан фаолияти тугатилган бўлсада Европа интеграциясида катта аҳамиятга

¹ Батафсил қаранг: Век XX: политика, люди, судьбы. Авт.сост. Ш.Эргашев, Т.Бобоматов, Н.Турсунов. –Т.: «Шарқ», 2007

² Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 411-бет.

эга бўлади. Буюк Британия миллий суверенитет нуқтаи назаридан бу уюшмага кирмади.

Гарчи, урушдан кейинги европа интеграциясига турли давлатларнинг иқтисодий, сиёсий жихатдан тенгсизлиги, Германияга нисбатан ишончсизлик, шунингдек бирлашган Европа етакчилиги учун инглиз-француз рақобати ҳалакит берган бўлсада, жараён тўхтаб қолмади.

Гарбий Европа иқтисодий интеграциясини «Маршал режаси» иштирокчилари томонидан 1948 йилда тузилган Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти бошлаб берди. Бу ташкилот мувофиқлаштирувчилик вазифасини бажарди.

1949 йилда Европада биринчи сиёсий ташкилот - Европа кенгаши тузилган бўлсада, унинг қарорлари тавсия характериға эга эди холос, унинг кейинги фаолияти «совуқ уруш» таъсирида сустлашиб қолди.

1950 йилда Европа сиёсий ҳамжамияти билан бир қаторда Европа ҳарбий бирлашма – европа мудофаа ҳамжамиятини тузиш режаси олға сурилди.

Бельгия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция ва ГФР ташқи ишлар вазирлиги томонидан Парижда имзоланган европа мудофаа ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома 1954 йил августда француз парламенти томонидан инкор этилди.

Гарбий Европанинг иқтисодиёт соҳасидаги интеграциялашуви кўпроқ муваффақиятға эга бўлди. Режалаштириш масалалари бўйича бош комиссар, француз иқтисодчиси Жан Монне бу соҳадаги интеграциянинг ғоявий отасига айланди. У тайёрлаган маъруза «Шуман декларацияси» асосини ташкил этди. 1950 йил 9 майда Франция ташқи ишлар вазири Роберт Шуман декларация билан чиқиб, унда Франциянинг янги Европани барпо этиш йўлида биринчи қадамни ташлашға тайёрлигини эълон қилди ва Германияға шу ишда иштирок этиш таклифини билдирди. У: «Натижада, янги, бирлашган ва кучли европа юзаға келади, унда аҳолининг ҳаёт даражаси ўсади, чунки, ишлаб чиқариш бирлашади, бозор кенгаяди бу эса нархларнинг

пасайишига олиб келади»¹, деб таъкидлади. Р. Шуман Франция ва Германия ўртасидаги узок муддатли рақобатни тугатиш, кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича олий раҳбарлик органи бошқаруви остидаги француз-немис ҳамкорлигини тузиш; иқтисодий ҳамжамият тузишда тайёрланиш; аъзо давлатлар учун мажбурий бўлган раҳбарлик органлари тузишни ҳал этишга чорлади.

Натижада, бўлиб ўтган ҳукуматлараро музокаралар ва мунозаралардан сўнг кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги шартнома тайёрланди.

Шартномага кўра, 1952-1957 йилларда кўмир, темир рудаси, темир хом ашёси, чўян ва махсус пўлатнинг иштирокчи давлатлар ўртасидаги умумий бозори шаклланди, уюшмага аъзо давлатлар ўртасида кўмир қазиб олиш ва металлургия саноати маҳсулотларига божхона солиқлари ҳамда шу маҳсулотлар билан савдо ҳажмини чеклашлар бекор қилинди, шунингдек металлургия саноати маҳсулотлари, темир хом ашёси, кўмир ва рудани ташишга ягона транспорт тарифлари киритилди.

1955 йилга келиб аъзо давлатларда йилига кўмир қазиб олиш 250 млн. тоннага, пўлат куйиш эса 60 млн. тоннага етди.

Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси доирасида биринчи маротаба халқаро ҳаётга аъзо давлатларнинг ўз суверенитетларини қисман чегаралаб бўлсада, давлатлараро даражада ҳамкорлик элементларини киритиш кузатилди. Уюшманинг асосий органлари:

1. Олий раҳбарлик органи аъзо давлатлар вакилларида ташкил топади лекин улар ўз ҳукуматларидан мустақил фаолият олиб бориб, бажарилиши мажбурий бўлган иштирокчи давлатларнинг умумий манфаатларидан келиб чиқадиган қарорларни қабул қилиш ваколатини олди. Раҳбарлик органлари аъзолари уюшмага аъзо давлатлар тавсияси ва ўзларининг розилиги билан тайинланган. Уларнинг ўз ҳукуматлари кўрсатмаларига бўйсунмаслиги

¹ Век XX: политика, люди, судьбы. Авт.сост. Ш.Эргашев, Т.Бобоматов, Н.Турсунов. –Т.: «Шарк», 2007, 322-бет.

шарти кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси раҳбарлик органи фаолиятидаги миллий даражадан юқори турувчи бошқарувни таъминлади.

2. Вазирлар кенгаши тегишли давлатлар ҳукуматлари аъзоларидан ташкил топган.

Ушбу икки орган уюшма доирасидаги барча қарорларни қабул қилган. Олий раҳбарлик органи билан бир қаторда вазирлар кенгашининг тузилиши миллий манфатлар ва уюшма доирасидаги умумий манфатлар ўртасидаги муносибликни таъминлаган.

1965 йил 8 апрель Брюсселда имзоланган ва 1967 йил 1 июлдан кучга кирган кўшилиб кетиш тўғрисидаги шартномага кўра кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси ва олий раҳбарлик органи, Вазирлар кенгаши, шунингдек, Евроатом кенгаши ҳамда комиссияси ўрнини Европа иқтисодий ҳамжамияти кенгаши ва комиссияси босди. Баъзи олимлар тамонидан ушбу шартнома замонавий Европа иттифоқини амалда вужудга келиши сифатида изоҳланади.

Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмасига 2002 йил 23 июнда шартнома муддатини тугаши муносабати билан якун ясалди. Европа ҳамжамиятларини юқори ривожланиш суръатлари бу ташкилотнинг аҳамиятини йўққа чиқарди. Шу кун Брүсселда уюшма байроғи тантанали равишда туширилди.

1957 йилда Бельгия, Недерландия, Люксембург, Франция, Италия ва ГФР иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш мақсадида Европа иқтисодий ҳамжамиятини тузди. ЕИХ авваламбор 6 иштирокчи давлат ўртасидаги божхона иттифоқи сифатида ташкил этилиб, аҳоли ҳукуматлари ва маҳсулотларининг эркин кўчишини таъминлашга қаратилган эди. Евроатом ташкилоти эса шу ташкилотларнинг тинчликка йўналтирилган ядро ресурсларини бирлаштиришга журъат қилиши лозим эди. Шу уч Европа ҳамжамиятларидан энг муҳими Европа иқтисодий ҳамжамияти бўлиб, кейинроқ (1990 йиллар) у Европа ҳамжамияти деб атала бошлади. ЕИХ га 1957 йилги Рим шартномаси асосида тузилган бўлиб, у 1958 йил 1 январдан кучга кирди. 1959 йилда ЕИХ аъзолари томонидан Европа парламенти

ташкил этилиб, у дастлаб вакиллик, маслахат кейинчалик қонун қабул қилувчи орган бўлиб қолди. Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) — минтақавий интеграция ташкилотларидан бири сифатида 1957 йилда Рим шартномасига кўра тузилган, баъзида «Умумий бозор» деб ҳам аталган. Дастлаб Европадаги 6 мамлакат (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург) ташкилот аъзоси бўлган, кейин Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йилдан), Греция (1981 йилдан), Испания, Португалия (1986 йилдан) қўшилган. ЕИХ қитъада — иқтисодий тараққиёт даражасини кўтариш йўли билан ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга хизмат қилди. 1993 йили Европа Иттифоқига таркибий қисм бўлиб кирди.¹

Бу, Европа ҳамжамиятларининг ривожланиши ва бугунги кундаги Европа иттифоқига айланиши бир вақтнинг ўзида тизимли эволюция ҳамда институционал трансформация йўли билан давлатларнинг янада жипсрок блокка, кўпроқ бошқарув вазифаларини давлатлараро даражасига ўтказиш «Евроинтеграция ёки давлатлар иттифоқининг чуқурлашуви жараёни» орқали содир бўлган бўлса, иккинчи томондан, Европа ҳамжамиятлари сонини 6 тадан 27 тага орттириб борди. 1960 йил январда Буюк Британия ва бошқа бир қатор ЕИХга кирмаган давлатлар, «Европа эркин савдо ассоциацияси» муқобил ташкилотни шакллантирди. Бироқ, Буюк Британия тез орада бу ташкилотга нисбатан ЕИХ омилкор бирлашма эканлигини англаб етди ва унга қўшилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Унинг ортидан иқтисодиёти Буюк Британия билан савдога боғлиқ бўлган Ирландия, Дания ва Норвегия ҳам шундай қарор қабул қилди.

1.2. Европа ҳамжамиятларидан ягона Европа ҳамжамиятига

ЕИХ кенгайтиришга биринчи ҳаракат 1961-1963 йилларда амалга оширилди. Лекин бу уриниш Франция президенти де Голлнинг ЕИХ га янги

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 412-бет.

аъзоларни олиш тўғрисидаги қарорга вето қўйилиши натижасида мувафакятсизликка учради. Шундай ҳолат 1966-67 йиллардаги музокараларда ҳам такрорланди.

1967 йилда учта Европа ҳамжамиятлари ягона Европа ҳамжамиятига бирлашди.

Европа ҳамжамиятини кенгайтириш масаласи генерал Шарл де Голлнинг ўрнига 1969 йилда Жорж Пампидунинг келиши натижасида силжиди. Буюк Британия бир неча йиллик музокаралар ва ўз қонунчилигини мувофиқлаштириш жараёнидан сўнг, 1973 йил 1 январдан ЕИХга кирди. 1972 йилда Ирландия, Дания ва Норвегияда ЕИХга қўшилиш масаласида референдумлар бўлиб ўтди. Ирландия (83,1 %) ва Дания (63,3 %) аҳолиси ЕИХ га киришни қўллаб қувватлади, лекин Норвегияда бу ташаббус кўпчилик тамонидан (45%) қўллаб қувватланмади. Данияда ҳам аҳоли бу ташкилотни ҳукуматнинг ягона валюта еврога ўтмаслик тўғрисидаги ваъдасидан сўнг қўллаб қувватлади. Шу боис ҳозирга қадар Данияда ўз пул бирлиги Крона муомаласи сақланиб қолган. 1973 йилда Исроилга ҳам ЕИХ га қўшилиш таклифи тушди. Лекин Исроилдаги уруш ҳаракатлари туфайли музокаралар тўхтаб қолди. 1975 йилда Исроил ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади.

Греция ЕИХга қўшилиш истагини 1975 йил июнида билдирди ва 1981 йил 1 январда ҳамжамият аъзосига айланди.

1979 йилда Европа парламентида биринчи тўғридан-тўғри сайловлар бўлиб ўтди. Европа парламенти - Европа Иттифоқи муассасаларидан бири. Уни Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар фуқаролари тўғридан-тўғри сайловлар орқали 5 йил муддатга сайлайди. Бунда давлатларнинг аҳоли сони ва Иттифоқ доирасидаги улуши ҳисобга олинади (масалан, Германия 99 мандатга, Франция, Италия, Буюк Британия — 87 тадан, Испания — 64 ва ҳокazo мандатга эга). Унинг ҳар ойда бўладиган сессиялари Страсбур (Франция)да, ғавқулодда мажлислари — Брюссель (Бельгия)да ўтади. Бу шаҳарларда Европа парламенти қўмиталари ишлайди, котибияти —

Люксембург шаҳрида фаолият кўрсатади.¹

1985 йилда Гренландия ички ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини олди ва ўтказилган референдумдан сўнг ЕҲдан чиқиб кетди.

Португалия ва Испания 1977 йилда ЕИҲ га қўшилишга ариза берди ва 1986 йил 1 январда аъзоликка қабул қилинди.² 1986 йил февралда Люксембургда Ягона Европа Акти имзоланди.

XX асрнинг 60-70 йилларида Ғарбий Европа интеграцияси жараёни давом этди ва ривожланди.

Ғарбий Европадаги иқтисодий инқироз, халқаро Бреттонвуд тизимининг инқироzi Ғарбий Европа интеграцияси жараёнини секинлатиб қўйди, лекин тўхтатиб қўйгани йўқ. Халқаро Бреттон-Вудс битими - 1944 йил 1—29 июлда 44 мамлакат иштирокида Бреттон-Вудс (АҚШ)да ўтказилган валюта-молия конференциясида имзоланган битим. Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкини тузиш лойиҳалари тўғрисидаги бу конференцияда Халқаро валюта фонди ва Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки уставларининг таркибий қисми бўлган «яқунловчи ҳужжат» имзоланди. Унга кура, Халқаро валюта фонди аъзолари бўлган мамлакатлар ўз валюталари курсини АҚШ доллари ёки олтинда белгилашга ўтдилар. Бу битим асосида шаклланган Бреттон-Вудс валюта тизими 70 йиллар бошига қадар амалда бўлди. 1971 йилдан Ғарбий Германия маркаси ва Голландия гульдени куреларининг эркин белгиланиши ҳамда АҚШ долларини расмий курс буйича олтинга алмаштиришдан бош тортиши натижасида бу тизим барҳам топди.³

Шундан сўнг, Ямайка валюта тизими ташкил топди. Ямайка битими — 1976 йил январда Кингстон (Ямайка)да Халқаро валюта фонди (ХВФ) аъзолари булган мамлакатлар вакиллари кенгашида тузилган битимга

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 411-бет.

² Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, 545-бет.

³ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2001, 213-214-бетлар.

мувофиқ ташкил топган ва 1978 йил апрелдан кучга кирган жаҳон валюта тизими ҳисобланади. Ямайка битими ХВФ уставига ўзгаришлар киритди ва илгари Бреттон-Вудс битими (1944) дан фарқ қиладиган (бу битимга кўра ХВФ аъзолари булган мамлакатлар ўз валютаси курсини долларга ёки олтинга нисбатан белгилар эди) инфратузилма тамойилларини белгилади, Биринчидан, олтинга ва икки захира валюта — АҚШ доллари ва Буюк Британия фунт стерлингига асосланган олтин девиз стандарти 1969 йилдан амалга киритилган СДР (махсус қарз олиш ҳуқуқлари) стандарти билан алмаштирилди ва унинг валюталар паритетлари ҳамда валюталар курси асосини ташкил этиши белгилаб қўйилди. Унинг шартли қиймати 5 валюта (АҚШ доллари, ГФР маркаси, Швейцария франки, Англия фунт стерлинги, Япония иенаси)дан иборат валюта савати бн аниқланадиган булди. Бу валюталар ХВФ Уставига кура, «эркин алмаштириладиган валюталар» деб номланди.

Иккинчидан, Ямайка валюта тизими олтиннинг валюта бирликлари қиймати меъёри тарзидаги вазифасини, қоғоз пулларнинг олтин таъминотини бекор қилди. Натижада олтиннинг қатъий баҳолари тугатилди ва олтин жаҳон пули мавқеини йўқотди. Ямайка валюта тизими доирасида олтиннинг пул функцияларини бажаришга барҳам берилгани қонунлаштирилди. Учинчидан, банкларга олтинни хусусий бозорларда шаклланган нарҳларда эркин сотиб олиш ва сотиш имконияти берилди.

Мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатлари уларнинг миллий пул бирликларининг сузиб юрувчи («сирғалувчи») курсларига асосланадиган бўлди, яъни ҳар бир мамлакатга ўз валюта курси учун исталган режимни танлаш ҳуқуқини берди. Бу билан сузувчи валюта курслари режими қонунлаштирилди ва мамлакатлар 1973 йил мартидан шу режимга ўтдилар. Валюта курслари тебранишлари асосий 2 омил: валюталарнинг ички бозордаги харид қобилятининг реал қиймати нисбатлари билан, иккинчидан, халқаро бозорларда миллий валюталарга булган талаб ва таклиф нисбати билан белгиланадиган бўлди. Бу нисбатлар капиталнинг

мамлакатлараро стихияли оқиб утиши натижасида ўзгариб туради.

Бу тизимнинг амал қилиши бир қатор мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Юридик жиҳатдан олтиннинг пул функцияси бекор қилинганига қарамай, у Ҳаққулодда жаҳон пули ва ишончли захира активи мақомини сақлаб келмоқда. Жаҳон бўйича марказий банклар ва хусусий тадбиркорлар қўлида 60 минг т. дан кўпроқ олтин алоҳида ликвид товар сифатида сақланади.¹

Европа валюта битими (European Monetary Agreement) — Европа тўлов иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг валюта муносабатлари, қисқа муддатли кредитлаш ва кўп томонлама ўзаро (ҳамкорлик) ҳисоб-китоблар бўйича ҳамкорлик битими. 1955 йил 5 августда тузилиб, 1958 йил декабрда (1950 йилда тузилган Европа тўлов иттифоқи тугатилиб, унга аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг валюталари муомалага киритилгач) жорий этилди. Европа валюта битимининг мақсади кўп томонлама ҳисоб-китоб ишларини бажариш орқали иқтисодий муносабатларни ривожлантириш эди. 1973 йилга келиб, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида бўлган Европа валюта ҳамкорлиги фонди ташкил этилди. Европа валюта ҳамкорлиги фондига Директорлар кенгаши раҳбарлик қилади. Ҳисоб-китоб ишларини Базелдаги халқаро банк бажаради. Европа валюта ҳамкорлиги фонди (European Monetary Cooperation Fund) — Европа Иттифоқининг махсус фонди. 1972 йили Базелда имзоланган тартибга солинадиган валюта йўлагини яратиш тўғрисидаги битимни амалиётга жорий этиш мақсадида 1973 йилда тузилган. Фонд Халқаро ҳисоб-китоблар банки ёрдамида Иттифоқ мамлакатлари валюта бозорида интервенциялар туфайли юзага келадиган ўзаро дебет ва кредит операцияларида клиринг агент сифатида фаолият юритади. Бундан ташқари фонд Иттифоқ доирасида иштирокчи мамлакатлар тўлов балансларида юзага келадиган вақтинчалик қийинчиликларни енгиллатиш имкониятини берувчи қисқа муддатли

¹ Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2005, 373-бет.

кредитлар тизимини бошқаради. Фонд Европа валюта тизими доирасида ҳам шундай вазифаларни бажариб келмоқда.¹

1973 йилда нефт нархининг кескин кўтарилиши Ғарбий Европада иқтисодий ривожланишнинг пасайишига олиб келди. Бироқ бу ҳол Европа ҳамжамияти аъзоларининг муқобил энергия манбаларини қидириш, тежамкор технологияларни қўллашга мажбур этди.

Интеграция жараёни иштирокчилари, унинг географик чегараларини кенгайтириш ва янада чуқурлаштириш ишини яна давом эттирди.

ЕИХ га Буюк Британия, Ирландия ва Даниянинг қўшилиши (1973 йил 1 январ) натижасида аъзоларнинг сони 9 тага етди ва Европа «тўққизлиги» вужудга келди.²

1975 йилда Греция, 1977 йилда Португалия ва Испания ЕИХ га қўшилиш тўғрисидаги аризаларини киритдилар. Ҳар уч давлат демократик ривожланиш йўлини танлади: 1974 йил 25 апрелда Португалияда «чиннигуллар инқилоби» содир бўлди. Фашистик диктатура барҳам топди ва ҳокимият генерал ди Спинола бошлиқ ҳарбий хунта (Миллий нажот кенгаши) қўлига ўтди.³ 1974 йил июлда Грецияда «қора полковниклар»нинг диктаторлик режими тугатилди. 1975 йил 20 ноябрда Испанияда фашистик диктатор Франсиско Франко 82 ёшида вафот этди. Унинг ўлимидан сўнг сиёсий тузумда демократлашув жараёни юз берди. Шахзода Хуан Карлос – давлат бошлиғи, Адольф Суарес премьер-министр лавозимида фаолият олиб боришди.⁴

ЕИХ га Португалия ва Испаниянинг қўшилиши бўйича музокаралар оғир кечди, чунки Франция ва Италия Иберий ярим ороли мамлакатларини сабзавот, мева, вино, савдосида рақобатини келтириб чиқаришдан қўрқар эди.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 413-414-бетлар.

² Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, 521-бет.

³ Ўша манба. 523-бет.

⁴ Ўша манба. 526-бет.

Греция 1981 йил 1 январдан Португалия ва Испания 1985 йил мартда ЕИХ нинг тўла қонли аъзосига айланди. Шу билан бирга ЕИХ ўзининг сиёсий «вазни» ни орттириб борди. Ҳамжамият аъзолари ижтимоий иқтисодий ривожланиш даражаларини кенгайтириш ишига кўпроқ кириша бошлади. Бу эса ўз навбатида, ЕИХ буюжети учун йиғимларни ошириш хисобига қўшимча моливий воситаларни талаб қилар эди.

Буюк Британиянинг лейбористлардан таркиб топган ҳукумати 1974 йилда ҳамжамият буюжетига тўловларни камайтириш шунингдек аграр сиёсатини ислоҳ қилиш ва ЕИХ нинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги умумий сиёсатида иштирок этишдан Британияга келтираётган зарарни қоплаши мумкин бўлган Европа минтақавий ривожланиш фондини ташкил этиш талабини қўйди.

Натижада, биринчи Ломей конвенсияси имзоланди. 1975 йил феврал бу ҳужжат ҳамдўстлик мамлакатларига кенг имкониятларни очиб берди. Шу йили Европа минтақавий ривожланиш фонди ташкил этилди. 1975 йил мартда ҳамжамият буюжетида Британияга тўлов масаласи ҳал этилди. ЕИХ аъзолари Буюк Британияни умумий буюжетга тўловини 7 йил давомида қопловчи механизмни ишлаб чиқдилар.

Молия ва иқтисод соҳасидаги қийинчиликлар пул-кредит соҳасини барқарорлаштириш ва ҳамжамият аъзоларини янада муофиқлашувини талаб этди. 1979 йил ЕИХ раҳбар органлари Европа пул тизимини киритиш тўғрисидаги қарорини қабул қилди. У тўрт асосий элементдан иборат эди.

1. Европа пул бирлигини (ЭКЮ);
2. Пул айрибошлаш механизми;
3. Умумий кредит шароитлари;
4. Трансферт механизми.

Ягона Европа пул тизимини киритишдан мақсад Европада валюта барқарор бўлган ҳудудни шакллантириш, инфляцияни қисқартириш

иқтисодий ривожланиш суръатларини ошириш, ЕИХ давлатларидан бандликни оширишга эришиш эди.¹

Янги Европа пул бирлиги АҚШ давлатларига боғлиқ бўлмади, унинг қиймати ЕИХ иштирокчи давлатлари валютасини хажми билан белгиланди. Хар бир давлатнинг ЯИМ ва ташқи савдо айланиш хисобига олинди. Эко нинг асосий устунлиги унинг қиймати ўртача катталикини ташкил этиб, бозор конъюктураси тўлқинланишига камроқ дучор бўлди.

Европа пул тизми ҳамжамият иштирокчилари ўртасидаги иқтисодий сиёсатидаги фарқларни енгиб ўтишга эришилмаган бўлсада барқарорлигини исботлади.

1974 йил давлат ва ҳукумат бошликлари даражасида Европа кенгаши тузилди шу йили бу тизимга иккита муҳим тавсия қабул қилди: биринчиси Европарламентни умумий овоз бериш орқали сайлаш ва иккинчиси сиёсий иттифоқни ташкил этиш тўғрисида эди. 1979 йил июнида биринчи бор Европарламентга умумий сайловлар бўлиб ўтиши ва у қўшимча легитимликка эга бўлди унинг ваколатларини кенгайтирувчи асослар яратилди.

Сиёсий иттифоқнинг ташкил этишга маслаҳатлашув ва музокаралар миллий давлат манфаатлари устиворлиги ва химоячилари ва давлатлар аро умумий манфаатлар тарафдорлари ўртасидаги анъанавий мунозарага сабаб бўлди.

1985 йил июнда ГФР канцлери Гельмут Коль ва Франция президенти Франсуа Миттеран Европа иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг биргаликда тузилган лойиҳасини илгари сурдилар. Унда мувофиқлашган мудофаа ва ташқи сиёсатни ўтказиш назарда тутилди.

ГФР ва Франция давлат раҳбарлари ҳамжамиятнинг барча аъзолари қўллаб-қувватламаган тақдирда ҳам «Европа иттифоқини қуриш»га интилишларини тўхтатмаслигини эълон қилдилар. Шундай қилиб Европа

¹ Заболотный В.М. Новейшая история стран Европы и Северной Америки: Конец XX – начало XXI века. Учебное пособие для студентов. –М.: Издательство АСТ, 2004, стр. 19.

интеграциясига сиёсий мезонлар нуқтаи – назаридан қарашга пойдевор қўйилди. 70-80 йилларда интеграция жараёнининг кенгайиши ва чуқурлашиши 1985 йилда ягона Европа актининг имзоланиши учун асос бўлди. Шу йили яна бир диққатга сазовор воқеа, яъни Европа иқтисодий ҳамжамиятига кирган мамлакатлар чегараларида виза режимини бекор қилишга қаратилган биринчи Шенгенъ шартномаси имзоланди.¹

II боб. Европа Иттифоқи: XXI асрга қадам

2.1. ЕИнинг шаклланишида Маастрих шартномасининг ўрни

1992 – йилда Европа ҳамжамиятига кирадиган барча давлатлар Европа Иттифоқини тузиш ҳақидаги Маастрих шартномасини имзоладилар. Маастрих шартномасини ЕҲнинг уч таянчини яратди:

1. Иқтисодий ва валюта соҳасидаги иттифок;
2. Ташқи сиёсат ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсат;
3. Ички ишлар ва адлия соҳасидаги умумий сиёсат;²

Европа иттифоқи (ЕИ) — ўзида халқаро ташкилот ва федератив давлат хусусиятларини мужассамлаштирган давлатлараро уюшма сифатида эга бўлиб борди. Дастлаб Европа ҳамжамияти («Умумий бозор») номи билан аталган. ЕИ тўғрисидаги шартнома 1992 йил 7 февралда Маастрихт шаҳрида (Нидерландия) Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган 12 давлат ва ҳукумат бошлиқлари имзо чеккан Европа мамлакатларининг сиёсий ва валюта-иқтисодий иттифоқини вужудга келтирди. Унга кўра Европа ҳамжамияти Европа иттифоқига айлантирилди.³ Бу шартнома 1993 йил 1 ноябрдан кучга кирган.

¹ Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, 544-бет.

² Қаранг: Заболотный В.М. Новейшая история стран Европы и Северной Америки: Конец XX – начало XXI века. Учебное пособие для студентов. –М.: Издательство АСТ, 2004, стр. 18-19

³ Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, 578-579-бетлар.

Европа Иттифоқининг ташкил топиш тарихи аслида 1947 йилда «Кўмир ва пўлат» концернининг ташкил топишидан бошланади. 1993 йилда Европа Иттифоқи номини олган ташкилот Маастрихт (Нидерландия)да 12 та давлатнинг раҳбарлари имзолаган шартномага бино-ан вужудга келган федератив давлат хусусиятларини ўзида бирлаштирган давлатлараро бирлашмадир.

Европа Иттифоқининг мақсад ва вазифалари қуйидагилардир:

1) Европа халқларининг яқин иттифоқини ташкил этиш, мувозанатлашган ва узоқ муддатли иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, бунда, айниқса, қуйидагилардан фойдаланиш: ички чегаралари бўлмаган маконни яратиш; иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш; ягона валютани жорий этиш;

2) халқаро соҳада, айниқса, ташқи сиёсатни ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатни, келажакда эса мудофаа сиёсатини биргаликда юритиш орқали ўз моҳиятини тасдиқлаш;

3) адлия ва ички ишлар соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш.¹

Кейинги 50 йил давомида бешинчи марта ўз сафига янги аъзоларни қабул қилган бу ташкилот сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий-техник, илмий-технологик ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан энг замонавий кўриниши бўлиб, ҳозирги даврда 25 давлат унинг аъзосидир. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жон бошига 22 минг доллардан ортиқ қийматни ташкил этаётганлиги, шубҳасиз, бу ҳамкорликнинг самарасидир. Худуди 4,2 миллион кв.км.ни, аҳолиси эса 455 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган бу ҳудудда Буюк Британия, Дания ва Швецияни ҳисобга олмаганда 2002 йилнинг 1 январидан буён ягона пул бирлиги — евро амал қилмоқда.²

Европа Иттифоқининг олий ижрочи органлари — Европа Иттифоқи Кенгаши, Европарламент ва Еврокомиссиядир.

¹ Қаранг: Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. Олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари жамияти, 2009. 279-280-бетлар.

² Саидкасимова Б. Магнетизм европейской интеграции // Хуқуқ-Право-Law. - 2004. - №2. 65-бет.

ЕИнинг мақсадлари:

Европа халқларининг мустақкам иттифоқини вужудга келтириш, ички чегаралари бўлмаган макон яратиш, иқтисодий ва ижтимоий ўзаро таъсирни кучайтириш йўли билан мувофиқлаштирилган узок муддатли иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш;

иқтисодий ва валюта иттифоқини ташкил қилиш ва ягона валюта яратиш (бу мақсадга 2002 йил январда асосан эришилди);

биргаликда ташқи сиёсат олиб бориш ва хавфсизлик борасида сиёсат юритиш, келгусида эса биргаликда муҳофаа сиёсатини ҳам олиб бориш йўли билан халқаро соҳада ўзига хос бир хилликни қарор топтириш;

адлия ва ички ишлар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш;

умумий бойликни сақлаб қолиш ва кўпайтириш.¹

ЕИ органлари: Европа машварати, Европа парламенти, Европа Иттифоқи Кенгаши, Европа комиссияси, Европа суди.

2002 йил январь ҳолатига Ташкилотга 15 мамлакат (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция) аъзо эди. Қароргоҳи Страсбур шаҳрида (Франция) жойлашган.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ЕИ билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Ташкилот ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатади. Европа - кавказ - осие транспорт йўлаги, (TRACECA) - Европани Кавказ оркали Осиё билан боғлайдиган автомобиль ва темир йўллари мажмуи ҳисобланади. Дастлаб Брюсселда 1993 йил май ойида Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия давлатларининг савдо ва транспорт вазирлари иштирокида ўтказилган конференцияда бу йўлакни қуриш дастури қабул қилинган. Конференцияда Европа Иттифоқи томонидан молияланадиган Ғарб-Шарқ йўналишида Европадан Қора денгизни кесиб ўтиб, Кавказ,

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 410-бет.

Каспий денгизи орқали Ўрта Осиё ва ундан Хитойга чиқадиган транспорт йўлагини қуриш бўйича техникавий ҳамкорлик ҳақида битам имзоланди.¹ Ушбу дастур тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов ««ТАСИС» дастури доирасида Европа Иттифоқининг техникавий ёрдами амалга ошириш орқали «Трасека» лойиҳасини рўёбга чиқариш Ўзбекистонни коммуникация ва транспорт билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этишда ғоят истикболли аҳамиятга эга. Бу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия ҳудуди орқали Қора денгиз бандаргоҳларига олиб чиқадиган Транскавказ магистралини вужудга келтиришни назарда тутди» деб таъкидлаган.²

Президент И.А.Каримовнинг дастур билан боғлиқ қуйидаги фикрлари ҳам аҳамиятга молик «Биринчи. Ўзбекистон ва бошқа қатор Марказий Осиё давлатлари бевосита денгиз коммуникацияларига олиб чиқадиган йўллар йўқ бўлган шароитнинг нақадар мураккаб эканини чуқур ҳис қилади. Кўпинча экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг йўл харажатлари маҳсулотнинг ўзидан ҳам қимматга тушиб кетади. Бу экспортни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, ҳаётий муҳим маҳсулотлар импортини эса қимматлаштириб қўймоқда...

Иккинчи. Лойиҳанинг амалга оширилиши ўз маҳсулотларининг Кавказorti ва Марказий Осиёнинг улкан бозорларига кириб келишини, мазкур минтақаларда ўз таъсирининг кучайишини истайдиган Европа мамлакатлари учун ҳам бирдек манфаатлидир. Лойиҳанинг асосий ютуғи ва жозибали жиҳати ҳам ана шундадир...

Учинчи. Биз ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаракатга келтириш орқали ҳамкорларимиз, энг аввало, Қирғизистон ва Хитой билан фаол иш олиб борилаётган бошқа бир қатор лойиҳаларни ҳам амалга оширишни кўзда тутамиз. Мен Фарғона водийсини Хитойнинг шарқий вилоятлари билан

¹ Қаранг: Жўраев Н. Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. тўлдирилган ва қайта нашр. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009, 608-612-бетлар.

² Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: 1998. 32-бет.

боҚлайдиган йўлни қуриш ва унинг мавжуд қисмларини таъмирлашни назарда тутаяпман. Бу ҳақда Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ҳам гапириб ўтди...

Тўртинчи. Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагининг барпо этилиши минтақаларо иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, шу йўналишдаги мамлакатлар иқтисодиётини жонлантириш, бу мамлакатларда яшаётган одамларнинг иш билан бандлик даражаси ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда янги истикболлар очади...»¹

Дастурни амалга ошириш мақсадлари:

Марказий Осиё ва Кавказorti республикаларининг Европа ва жаҳон бозорларига муқобил транспорт йўлаклари орқали чиқишига имконият яратиш билан уларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш;

бу республикалар ўртасида минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қўмаклашиш;

бу йўлакни Трансевропа тармоқлари (TENs) билан боғлаш ва бошқалардан иборат.

Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги Марказий Осиёдан юкларни жаҳон бозорларига хизмат кўрсатадиган йирик тоннажли денгиз кемаларига етказиб бериш учун энг қисқа ва энг арзон йўлдир. 2000 йилга қадар техникавий ҳамкорликнинг 28 тадқиқоти (37 млн. евро) ва инфратузилмаларни тиклаш бўйича 10 инвестиция лойиҳаси (48 млн. евро) маблағ билан таъминланди.

Йўлакни барпо қилишда йирик халқаро молиявий муассасалар иштирок этади. Европа тикланиш ва тараққиёт банки йўналиш бўйича портлар, темир йўллар ва автомобиль йўллари капитал лойиҳалари (умумий миқдори 250 млн. АҚШ доллари), Жаҳон банки Арманистон ва Грузиядаги автомобиль йўллари бўйича капитал лойиҳаларини (40 млн. АҚШ доллари) ва Осиё

¹ Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. - Т.: 1999. 176-177-бетлар.

тараққиёт банки автомобиль ва темир йўллари такомиллаштиришни молиялаш мажбуриятини олган. Европа Иттифоқидаги хусусий инвесторлар Марказий Осиё ва Кавказдаги транспорт компаниялари билан қўшма корхоналар ташкил қилган.

Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагининг умумий узунлиги 10 минг км.дан ортиқ. Унинг 677 км (Олот — Бухоро — Навоий — Самарканд — Жиззах — Тошкент — Ғишткўприк йўналиши) Ўзбекистон ҳудудидан ўтади.¹ Ушбу йўлакнинг дастлабки йиллардаги фаолияти тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов «Агар Ўзбекистоннинг Транскавказ йўлагидан олиб ўтилган экспорт-импорт юклари ҳажми 1996 йилда 140 минг, 1997 йилда 285 минг тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида бу кўрсаткич 240 минг тоннадан ошиб кетди. Ушбу йўл очилгандан буён биргина Ўзбекистон билан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида 470 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 660 минг тонна ҳаётий муҳим юklar ташилди.»²деб баҳо берган.

1999 йил 1 июлда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ратификация қилинди. Бу битим сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқалар ривожини учун имконият туғдирди. Жумладан, томонлар ўзаро савдода бир-бирларига энг қулай шароит яратадилар, бир-бирларига тегишли то-варларни ўз ҳудудлари орқали эркин транзит қилишни таъминлайдилар.

1994 йилда Австрия, Финляндия, Норвегия ва Швецияда ЕИ га қўшилиш тўғрисида рефередум ўтказилди. Новегларнинг кўпчилиги яна қарши овоз берди.

Австрия, Финляндия (Алант ороллари билан биргаликда) ва Швеция 1995 йил 1 январдан Европа иттифоқига аъзо бўлди. Иттифоққа аъзо давлат сони 15 тага етди. Шу билан бирга март ойида аъзо давлатлар чегараларида

¹ Мирзаев Т. «Европа - Кавказ - Осиё транспорт йўлаги, Трасеса», Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 412-413-бетлар.

² Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т. 7. - Т.: 1999. 175-176-бетлар

виза режимини бекор қилишга қаратилган Шенгенъ шартномаси ҳаётга жорий этилди.¹ Унга Германия, Франция, Испания, Португалия, Бельгия ва Люксембург кирган бўлса, кейинчалик Австрия, Италия, Греция ҳам қўшилди. 2001 йилдан шенгенъ ҳудудига Финляндия, Дания, Норвегия, Исландия ва Швеция интеграциялашди.²

Европа эркин савдо ассоциацияси аъзолигида Норвегия, Исландия, Швецария ва Лехтенштейн қолади.

2.2. ЕИда интеграциянинг чуқурлашиши ва аъзо давлатлар сонининг ортиши

1997 йилда ЕХ аъзолари томонидан Амстердам шартномаси тузилди. (Шартнома 1999 йилда кучга кирди.) Шартномада асосан қуйидаги йўналишларга ўзгартиришлар киритилди:

- умумий ташқи ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсат;
- «Эркинлик, хавфсизлик ва ҳуқуқий тартибот муҳити»ни яратиш;
- терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, одил судлов соҳасидаги мувофиқлашув.

Маастрих шартномаси 1992 йил 7 февралда Маастрих шаҳрида имзоланди ва Европа иттифоқи тузилишини бошлаб берди. Шартнома 1993 йил 1 ноябрдан кучга кирди. Ушбу шартнома олдинги йилларда бошланган Европа мамлакатларининг умумий пул ва сиёсий тизимини шакллантириш ишини якунлади.

Европа иттифоқининг пул-кредит соҳасидаги сиёсати ЕИ давлатлари миллий Марказий банклари ва Европа марказий банкдан таркиб топган европа Марказий банклари тизими зиммасига юклатилди. Европа марказий банки (ЕМБ) — Европа валюта иттифоқининг асосий муассасасига айланди.

¹ Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, 587-бет.

² Заболотный В.М. Новейшая история стран Европы и Северной Америки: Конец XX – начало XXI века. Учебное пособие для студентов. –М.: Издательство АСТ, 2004, стр. 25.

Бу банк Европа Иттифоқи қарорига кўра 1998 йил 1 июнда ташкил этилган. Бошқаруви Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида жойлашган. Асосий вазифаси ягона валюта — еврони муомалага киритган Европа валюта иттифоқиға аъзо мамлакатлар пул сиёсатини амалга оширишдан иборат. ЕМБ тизими икки босқичли бўлиб, юқори босқичда ЕМБ ва қуйи босқичда Европа иқтисодий ва пул ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг миллий Марказий банклари туради. Бу Марказий банклар айна пайтда ЕМБ билан бирга Европа Марказий банклари тизимини ҳосил қилади. ЕМБ ва миллий Марказий банклар бошқа ҳар қандай Европа ёки миллий органларнинг кўрсатмаларидан фойдаланмайди ёки уларга амал қилмайди. Банк барча ҳисоб-китобларни еврода олиб боради ва унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. 1999 йил 1 январдан бошлаб пул сиёсатини тартибга солиш ЕМБ бошқарувчилари Кенгашининг мутлақи ваколатига киради. Миллий Марказий банклар бошқарувчилари Кенгаш аъзолари ҳисобланади.¹

Маастрих шартномасининг имзоланиши натижаси ўлароқ, Европа пул бирлиги сифатида Евро муомулага киритилди. Евро (Euro) — Европа Иттифоқи таркибидаги Европа иқтисодий ва пул ҳамжамияти аъзолари (Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия ва Франция)нинг пул бирлиги. Халқаро ифодаси EUR. 1999 йил 1 январдан муомалага чиқарилган. 1евро=100цент. 1999 йил 1 январдан 2002 йил 1 январга қадар евро нақд пулсиз тўловларда ишлатилди, евро билан бир қаторда бу мамлакатларнинг миллий пул бирликлари ҳам муомалада юрди. Евро муомалага киритилиши билан илгари шу мамлакатлар ўртасида халқаро тўловларда фойдаланилган экю муомаладан чиқарилди ва улар экюннинг сўнгги қиймати (1998 йил 31 январь ҳолати) бўйича еврога тенгма-тенг алмаштирилди. Айна пайтда миллий пул бирликларининг еврога нисбатан валюта курслари ҳам

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 411-бет.

белгиланди (масалан, 1евро=1,95583 немис маркаси; 1евро=1936,27 итальян лираси; 1евро=200,482 португал эскудоси ва бошқалар; 1998 йил 31 декабр ҳолатига). 2002 йил 1 январдан 5, 10, 20, 50, 100, 200, 500 евро қоғоз банкнотлари, 1, 2 евро ва 1, 2, 5, 10, 20, 50 центли тангалар муомалага киритилди (Европа иқтисодий ва пул ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг эски миллий пул birlikлари муомаласи тўхтатилди). Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 1,13 евро, Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги — сўмга нисбатан 1 евро=599 сўм 01 тийин (2002 йил февраль ҳолатига).¹

Маастрих шартномаси аъзо давлатлар ўртасида иттифоқнинг уч асоси иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсат, халқаро муносабатлар ва хавфсизлик, суд ҳуқуқ ва ички ишлар соҳасидаги яқин муносабатлар ўрнатди.

Шартноманинг ратификация қилиниши бир қатор давлатларда қийинчиликларни келтириб чиқарди.

Францияда шартнома бўйича ўтказилган референдумда 51,05% га қўллаб қувватланган бўлса, Дания шартноманинг номиданоқ уни инкор этди. Буюк Британияда шартнома парламентда ҳукуматни қўллаб қувватловчи гуруҳнинг шартномага қарши бўлганлар устидан кичик устунлиги билан ратификация қилинди.

Маастрих шартномасини имзолаган давлатлар Европа валюта иттифоқида кирган мамлакатлар жавоб бериши лозим бўлган 5 та мезонни тасдиқладилар:

1. Давлат буюжетини дефицити ЯИМ нинг 3% дан ошмаслиги керак;
2. Давлатнинг қарзи ЯИМ нинг 60 % дан кам бўлиши керак.
3. Давлат икки йил давомида валюта сиёсати механизмида иштирок этиши ва миллий валюта курсини тегишли диапазонда ушлаб туриши керак.
4. Инфляциянинг даражаси энг барқарор нархларга эга бўлган учта ЕИ иштирокчи давлатидаги ўртача кўрсаткичнинг 1,5 % дан ошмаслиги керак.

¹ Мирзахолов А. «Евро (Euro)», Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 405-бет.

5. Узоқ муддатли давлат облигациялари бўйича фоиз ставкалари энг кам инфляцияга эга бўлган давлатлардаги шундай кўрсаткичларнинг ўртачасида 2% дан ошмаслиги керак.

Европа иттифоқи қонун устиворлигига асосланади. Унда амалга оширилган барча ишлар аъзо давлатлар томонидан ўз хоҳишига кўра, демократик асосда қўшилган шартномалардан келиб чиқади. Илгари имзоланган шартномалар жамият тараққиёти билан ҳамнафас бўлиш нуқтаи назаридан ўзгартириб борилди, ёки янгиланди.

Европа иттифоқининг шаклланишидаги энг асосий шартномалар қуйидагилар эди:

Лиссабон шартномаси – 2007 йил 13 декабрда Лиссабонда имзоланди. Шартнома кучга киришдан олдин 27 та аъзо давлат томонидан ратификация қилиниши керак эди. Бу жараёни 2009 йил июнда европарламентга ўтказилажак сайловларга қадар яқунланиши кутилган эди. Шартноманинг мақсади:

ЕИ ни янада демократлаштириш ЕИ фуқароларини юқори даражадаги қиёсий иштирок, очиқлик, ошкоралик ва ҳисоб беришга доир истакларини рўёбга чиқариш, ЕИ ни иқлим ўзгариши, хавфсизлик ҳамда тараққиёт каби глобал масалаларни ҳал этишга кириша оладиган ташкилотга айлантиришдан иборат.

Лиссабон шартномаси ягона конституция тўғрисидаги мунозараларни келтириб чиқарди. «европа учун ягона конституцияни жорий этиш бўйича шартнома» давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан 2004 йил 17-18 июнда Брусселда европа кенгашида тасдиқланган ва 2004 йил 29 октябрда Римда имзоланган эди, лекин кейинчалик ратификация қилинмади.

Ницца шарномаси 2001 йил 26 февралда имзоланган ва 2003 йил 1 февралда кучга кирган. Шартнома ЕИ га аъзо давлатларининг сони 25 тага етганидан сўнг иттифоқнинг ижроия вазифаларини амалга ошира олиши учун институционал ислоҳатлар билан боғлиқ эди. Ницца шартномаси ва

ЕИни тузиш тўғрисидаги шартнома ва ЕҲ шартномасини ягона мувофиқлашган ҳолга келтирди.

Амстердам шартномаси 1997 йил 2 октябрда имзоланди ва 1999 йил 1 майда кучга кирди. У ЕИ ва ЕҲ шартномаларини қайта кўриб чиқди ва тузатиш киритди. ЕИ ва ЕҲ шартномаларининг мувофиқлашган шакли унга қўшилиб кетди. Амстердам шартномаси Европа умумиттифоқи тўғрисидаги шартнома бандларини ўзгартирди, «А» дан «S» гача бўлган ҳарфларни белгиланиш рақамли шаклга ўтказилди.

Европа умумиттифоқи шартномаси 1992 йил 7 февралда имзоланди ва 1993 йилнинг 1 ноябрида кучга кирди.¹ Маастрих шартномаси Европа иқтисодий ҳамжамияти номини Европа ҳамжамияти номи билан ўзгартирди. Шу билан бирга у аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида муҳофаа одил судлов ва ички ишлар каби соҳаларда ҳамкорликнинг янги шакллари киритди. Мавжуд ҳамжамият тузилишига ҳукумат ички тузилмасидаги ҳамкорликнинг қўшилиши билан Маастрих шартномаси уч устунга эга бўлган иқтисодиётдан кўра, сиёсий тузилмага кўпроқ яқин бўлган янги кўринишга эга бўлди. Бу Европа Иттифоқи эди.

Ягона Европа акти Люксембург ва Гаагада имзоланган бўлиб 1987 йил 1 июлдан кучга кирди ҳамда ички бозорни шакллантириш йўлида мувофиқлаштиришни бошдан кечирди.

Қўшилиш шартномаси 1965 йил 8 апрелда Брюсселда имзоланди ва 1967 йил 1 июлдан кучга кирди. У уч Европа ҳамжамиятининг ягона комиссия ва ягона кенгашини юзага келтирди.

Рим шартномаси - Европа иқтисодий ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома 1957 йил 25 мартда имзоланиб, 1958 йил 1 январдан кучга кирган. Европанинг Атом энергияси бўйича ҳамжамияти (Евроатом) ни тузиш тўғрисидаги шартнома худди шу вақтда имзоланган бўлиб, бу икки шартнома биргаликда Рим шартномалари номини олган.

¹ Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011, 578-бет.

Пўлат ва кўмир бўйича Европа ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома - 1951 йил 18 апрелда Парижда тузилган бўлиб, 1952 йил 23 июлда кучга кирган ва 2002 йил 23 июлга қадар амалда бўлди. Бундан ташқари санаб ўтилган ЕИ нинг асосини ташкил этувчи шартномаларга бир неча сабабларга кўра ўзгартиришлар киритилган бўлиб, бу ҳол асосан янги аъзо давлатлар 1973 йилда Дания, Ирландия, Буюк Британия, 1981 йилда Греция, 1986 йилда Испания, Португалия, 1995 йилда Австрия, Финландия, Швеция ва 2004 йилда Чехия, Кипр, Эстония, Венгрия, Ламбия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения нинг қўшилиши натижасида содир бўлди.

Шартномаларга кўра, ЕИ институтилари аъзо давлатлар томонидан ижро этиладиган қонунчиликни қабул қилиши мумкин.

Европа интеграциясининг тўртинчи босқичи - 2002 йил 9 октябрда Европа комиссияси 2004 йилда Европа Иттифоқи киришга номзод бўлган 10 та давлатни тавсия этди: Эстония, Литва, Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Кипр ва Мальта. Ушбу 10 та давлатнинг аҳолиси 75 млн.ни ташкил этиб, уларнинг ЯИМи 840 млрд. АҚШ доллари ёки қиёслаш учун биргина Испаниянинг ЯИМи билан деярли тенг. Европа Иттифоқининг бундай кенгайтиши шу даврдаги энг катта режалардан бири эди. Бундай қадам қўйишга туртки бўлган истак икинчи жаҳон уруши якунидан кейин давом этган европани ажратиб олиш ва ғарбга шарқий европа мамлакатларини мустақамроқ боғлаш уларни қайта коммунистик бошқарув методларига қайтишига йўл қўймасликдан иборат эди. Кипр бу рўйхатга Туркиянинг талаби билан қўшилиб, акс ҳолда Туркия бутун режага вето қўйиш билан таҳдид қилди,

Европа иттифоқининг «эски» ва «янги» аъзолари ўртасидаги музокаралар тугагандан сўнг, якуний, ижобий қарор 2002 йил 13 декабрда эълон қилинди. Европа парламенти томонидан 2003 йил 9 апрелида бу қарор тасдиқланди.

2003 йил 16 апрельда Афинада ЕИнинг 15 та «эски» ва 10 та «янги» аъзолари томонидан қўшилиш ҳақида шартнома имзоланди. 2003 йил 9та

давлат Кипрдан ташқари референдум ўтказилди, сўнгра шартнома парламентлар томонидан ратификация қилинди.

2004 йил 1 майда Эстония, Латвия, Литва, Польша, Чехия, Словакия, Словения, Кипр ва Малта ЕИнинг аъзоларига айланди.

Кипрнинг ЕИга кириши оролнинг ҳар икки томонида ўтказилган референдумдан сўнг амалга ошди. Тан олинмаган Шимолий Кипр турк республикаси, аҳолисининг кўпчилиги оролни ягона давлатга бирлаштиришга қарши овоз беган бўлса-да, бирлашиш жараёни айнан греклар томонидан тўсқинликка учради ва ЕИга яқка ўзи аъзоликка кирди.

Иқтисодий ривожланиш даражаси европанинг ўртача кўрсаткичларини сезиларли даражада паст бўлган 10 та янги давлатнинг ЕИга қўшилиши, ЕИ етакчи давлатларининг ижтимоий соҳага бюджет жамғармалари, қишлоқ хўжалиги дотация ҳоказоларнинг асосий юқини бўйнига олишига тўғри келди, айни вақтда мамлакатлар умумиттифоқ бюджетига ЕИ ҳужжатларида белгиланган ЯИМ нинг 1% даражасидан орттиришни истамаяпти.

ЕИ кенгашидан кейинги иккинчи масала, шу даврга қадар муҳим қарорларини консенсус йўли билан қабул қилиш тамойилини самарадорлиги пасайганида кўринади. 2005 йилда Франция ва Нидерландияда бўлиб ўтган референдумларда ЕИнинг ягона Конституция лойиҳаси қайтарилди, натижада ЕИ хали ҳам бир қатор шартномалар асосида яшаб келмоқда.

2007 йил 1 январда Болгария ва Руминиянинг ЕИга қўшилиши, унинг чегараларини янада кенгайтирди. Аввалроқ ЕИ Руминия ва Болгарияни коррупцияга қарши кураш ва қонунчиликни ислоҳ қилиш борасида кўп ишларни амалга ошириш лозимлиги тўғрисида огоҳлантирган эди. Ушбу масалаларда европа амалдорларининг фикрига кўра, Руминия ортда қолган ва социализмнинг иқтисодиёт тузилмасидаги қолдиқларидан воз кечмай ЕИ талабларига жавоб бермаётган эди.

2005 йил 15 декабрда Македония ЕИга киришга расмий номзодлик мақомига эга бўлди.

2005 йил 21 февралда ЕИ Украина билан ҳаракат режасини имзолади. Бу ҳолат балки, Украинада ҳокимият тепасига ЕИга киришга йўналтирилган ташқи сиёсий стратегиясини қўлловчи кучларнинг келиши билан боғлиқдир. Айни вақтда ЕИ раҳбарининг фикрига кўра, Украинани ташкилотга тўлақонли аъзолиги тўғрисида сўз юритишга ҳали эрта.

1951 йилда Пўлат ва кўмир бўйича европа уюшмасини тузган Париж шартномаси имзоланди. Париж шартномаси халқаро қонунчиликка асосланган бўлиб, европа қитъаси иқтисодиётини қайта тиклаш, Европада урушнинг олдини олиш ва тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган эди.

Бу шартномани тузиш ғояси француз давлат хизматчиси Жанн Моне томонидан таклиф қилинган ва 1950 йил 9 майдаги декларацияда эълон қилинди. Ушбу ҳужжатнинг мақсади кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича француз-герман бозорини яратиш бўлиб, шу икки ҳомашёнинг мамлакатлар саноати учун асос (ҳарбий ишлаб чиқариш учун ҳам) ва энергия манбаи эканлиги ҳам ҳисобга олинган. Таклиф этилган режага кўра, француз-герман пўла тмаҳсулоти қуйиш ва кўмир комбинатлари бошқа европа давлатари иттифоқ этиш учун очик бўлган ягона тизимли бошқаруви остига ўтади. Кўмир ва пўлат бўйича европа уюшмасини тузим француз-герман иқтисодий муносабатларини мустаҳкамлаш ва келажакдашу икки давлат ўртасида бир неча келишиш мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатларга йўл қўймаслик ҳам жуда мумкин эди.

Франция, Германия, Италия, Булгия, Люксембург ва Нидерландия шарномага қўшилиши бўйича музокараларни бошлаб юборди. Кўмир ва пўлат бўйича европа уюшмасини ташкил этган ҳужжат 1951 йил 18 апрелда Парижда имзоланди ва 1952 йил 14 июлда кучга кирди. Шартнома 2002 йил 23 июлга қадар тузилди. Умумевропа бозорига асос солинди. 1953 йил 1 февралда кўмир ва метал бўйича 1953 йил 1 майда пўлат бўйича ягона савдо майдони ташкил этилди.

Ғарбий Европа иттифоқи 1948 йилда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик нуқтаи назардан тузилган ташкилот. У таркибига тўрт хил давлатга эга бўлган 28 та давлатни олади: аъзо давлатлар, умумий аъзолар, кузатувчилар ва умумий ҳамкорлар.

2004 йилда ЕИнинг кенгайгунига қадар аъзолари бўлган давлатлардан кузатувчи сифатида Австрия, Дания, Финландия, Швеция, Ирландиядан ташқари давлатлар шу ташкилотлар аъзоси эди. Исландия, Норвегия, Польша, Туркия, Венгрия, Сехия, Болгария, эстония, Латвия, Литва, Руминия, Словакия ва Словения умумий ҳамкор давлатлар мақомига эга бўлган.

1997 йилги Амстердам шартномаси Ғарбий европа умумиттифоқини Иттифок ривожланишининг ажралмас қисмига айлантириб, унга мудофаа соҳасида тезкор ваколатларни берди. Ғарбий европа иттифоқи Болқон бўйича Питербергда келишилган ваифаларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирда бу мамлакатлар ўз фазифаларини ҳамкорликда ташқи хавфсизлик сиёсатини ривожлантираётган ЕИ бўлинмаларига ўтказиб бермоқда. 2000 йил ноябрда Ғарбий европа иттифоқининг хавфсизлик бўйича Вазирлар кенгаши ушбу ташкилотни босқчма-босқич ислоҳ этиш ва унинг ваколатларини ЕИ тузилмаларига ўтказиб боориш тўғрисида қарор қабул қилди. 2002 йил 1 январда Ғарбий европа иттифоқининг хавфсизлик институти ва сунъий йўлдош маркази каби муассалари ЕИга кирди. Ғарбий европа иттифоқининг ўзида қолган коллектив функциясининг ЕИга ўтказилиши кейинга қолдирилди.

1948 йил 17 мартда 5та Ғарбий европа давлати: Бельгия, Буюк Британия, Люксембург, Нидерландия ва Франция Брюссел пактини имзоладилар. Шартноманинг дастлабки учта моддаси иқтисодий, ижтимоий ва маданият соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган эди, лекин мумкин бўлган босқинчига (аввало собиқ СССР) қарши коллектив мудофаа тўғрисидаги бандлар ушбу шартноманинг мазмунини белгилаб берди. Шартномага кўра, иштирокчи давлатлар улардан бири ёки бир нечтаси қуролли ҳужум ёки

босқин қурбонига айланса, қолганлари (БМТ низомининг 51-бандида назарда тутилган коллектив мудофаа) «хужум қурбонига айланган томонга ҳарбий ва боша ёрдам кўсатиш, шунингдек, унинг ҳаракатларига кўмак бериш» мажбуриятини олдилар. Брюссел пактини имзолашнинг асосий сабаблар:

- «совет ҳарбий таҳдиди» олдида кўрқув-собик СССР ва унинг марказий, жануби – шарқий европадаги иттифоқчилари томонидан агрессия эҳтимоли;

- Германия милитаризмининг уйғониши ва уруш очишга янги уринишларнинг олдини олишдан иборат эди.

1949 йилда НАТОнинг пайдо бўлиши билан Брюссел пакти ва уни имзолаган 5 давлатнинг коллектив мудофаасини таъминлаш соҳасидаги аҳамияти пасайди. Шартноманинг дастлабки матнида уни амалга оширишнингташкилий механизми тўғрисида бандлар йўқ эди. Брюссел шартномаси ташкилоти (Ғарбий европа иттифоқи) нинг вазирлари НАТОга ўтказилди. Париж битими (1954 йил 24 октябр) шартномага ўзгартиришлар киритиб, унинг асосида Ғарбий европа иттифоқи махсус тузилмасини тузилишини тақозо этарди. Париж битимининг тузилиши билан шартномага Ғарбий Германия ва Италия қўшилди.

Совуқ уруши йилларида шимолий атлантика иттифоқи фаолияти ғарбий европа иттифоқининг ўрнини босди. Бу ҳолат ушбу ташкилотнинг фаолиятини яқунлашга олиб келмади. 1980 йилларнинг ўрталарида ўрталарида Ғарбий европа иттифоқи фаолиятини «қайта тиклаш»га уринишлар амалга оширилди, лекин бу ташкилотнинг ҳақиқий тикланиши 1992 йилги Европа иттифоқи тўғрисидаги Маастрих шартномасининг имзоланиши илан содир бўлди. 1996 йилдан ташкилот мудофаа соҳасидаги тезкор функцияларни амалга ошириш бошлади.

2000 йиллар давомида Ғарбий европа иттифоқининг ЕИ ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги таъсири камайиб борди. Унинг аксарият вазифалари Лиссабон шартномаси билан алмаштирилди. 2010 йил мартда Ғарбий европа Иттифоқи фаолиятини 2011 йилга қадар тўхташиш режаси эълон қилинди.

Париж шартномаси 1951 йил 18 апрелда Франция, Ғарбий Германия, Италия ва урта Бенилюкс (Бельгия, Люксембург ва Нидерландия) мамлакатлари томонидан имзоланди ҳамда Кўмир ва пўлат бўйича европа уюшмасини яратди, бу уюшма ўз ўрнида ЕИнинг бир бўлагига айланди. Шартнома 1952 йил 23 июлдан кучга кирди ва 2002 йил 23 июлда муддати тугаганлиги учун роса 50 йилдан сўнг ўз кучини йўқотди.

Шартнома иккинчи жаҳон урушидан сўнг европани бирлаштириш ишида асосий ўринни эгаллади. У уруш даврида бир-бирига душман бўлган давлатларни бирлаштирди ва олдинроқ ҳарбий ҳаракатларда марказий ўринни эгаллаган кўмир ва пўлат ишлаб чиқаришда ҳамкорликни йўлга қўйди.

Париж келишувлари 1954 йил 23 октябрда Парижда АҚШ, Франция, Буюк Британия ва ГФР шунингдек, Италия, Бельгия, Люксембург вакиллари томонидан имзоланган ҳарбий, сиёсий ва бошқа масалаларга доир ҳужжатлар мажмуи (1955 йил 5 майдан кучга кирган) .

Париж келишувларининг асосийлари:

- АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР томонидан ГФРда оккупацион тартибини тарқалиши тўғрисидаги протокол НАТО таркибида Буюк Британия, Франция, Италия, Белгия, Нидерландия, Люксембург ва ГФР томонидан 1948 йилги Брюссел пактини ўзгартириш ва тўлдириш асосида Ғарбий европа иттифоқи ҳарбий-сиёсий уюшмасини тузиш тўғрисидаги протокол;

- ГФРни Шимолий Атлантика пактига қўшилиши тўғрисида НАТОга аъзо давлатларнинг резолюцияси.

- Париж келишувлари Ғарбий Германияга қўшилган. Ҳарбий ишлаб чиқаришга доир чекловларни сезиларли даражада сустлаштирилди ва ГФРнинг қуролланишини легаллаштирди. Шу билан бирга ГФРга ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқаришини тақиқлайди.

- ГФР ҳукумати халқаро майдонда бутун немис халқи томонидан «ягона вакил» деб эълон қилинди. АҚШ, Франция ва Буюк Британия ғарбий Берлиндаги ҳарбий кучлари ва ҳуқуқларини сақлаб қолишни тасдиқладилар.

Бу келишувларга СССР, ГФР ва бошқа социалистик давлатлар қарши чиқдилар.

-»Қўшилиш шартномаси» (ёки Брюссел шартномаси) Кўмир ва пўлат бўйича европа уюшмаси, атомэнергияси бўйича европа ҳамжамияти (евроатом) ҳамда европа иқтисодий ҳамжамиятини ягона ташклот, тузилмага бирлаштирди.

Шартнома 1965 йил 8 апрелда Брюсселда имзоланди ва 1967 йил 1 июлда кучга кирди. Унда ЕИХ кенгаши ва комиссияси евроатом кенгаши, комиссияси шунингдек, кўмир ва пўлат бўйича европа уюшмаси кенгаши, олий органи ўрнини босиш керак эди. Ҳарбий орган ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлсада, умумий институтлар пайдо бўлди. (Бу шартномага қадар умумий парламент Ассамблеяси ва суд мавжуд эди) ва европа ҳамжамиятлари томонидан европа иттифоқининг амалда юзага келиш сифатида қаралди.

Ушбу ҳужжат 1997 йилда имзоланган Амстердам шартномаси билан бекор қилинди.

Европа кенгаши европа умумиттифоқининг олий сиёсий органи бўлиб, ЕИга аъзо давлат ва ҳукумат раҳбарларидан таркиб топган. 2,5 йил муддатга сайланадиган европа кенгаши раиси ва европа комиссия раиси ҳам аъзо ҳисобланади.

Европа кенгашини ташкил этиш Франция президенти Шарл де Голнинг ЕИ давлатлари етакчиларининг норасмий учрашувларини ўтказиб туриш ғояси асосига қурилиб, интеграцион жараёнларда миллий давлатлар ролини пастлаб кетишини олдини олишга қаратилган эди.

Норасмий саммитлар 1961 йилдан ўтказила бошланди. 1974 йилда Париждаги саммитда Франция президенти Виллери Жискар д'Эстеннинг таклифига биноан бу амалиёт расмийлаштирилди.

Кенгаш ЕИнинг асосий стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Европа кенгашининг асосий вазифаси сиёсий интеграциянинг бош йўналишини белгилашдан иборат. Вазирлар кенгаши билан бир қаторда европа кенгаши европа интеграциясининг асосий шартномаларини ўзгартириш киритиш билан боғлиқ сиёсий функцияга эга. Унинг мажлислари ЕИ кенгашида бошчилик қилаётган давлатларни вакили раислигида шу давлатда ёки Брюсселда йилига камида икки маротаба ўтказилади. Мажлислар икки кун давом этади.

Унда қабул қилинган қарорлар сиёсий кўрсатма хусусиятига эга бўлиб, мажбурий юридик кучга ҳам эга бўлди. Унинг қарорлари қаратилган институтлар, органлар ва муассасалар шу билан бирга аъзо давлатлар ҳам уларни ижро этиш, амалиётга жорий этишга мажбурлар.

Европа кенгашини ЕИ кенгашидан фарқлаш лозим. 2009 йилда европа умумиттифоқига аъзо давлатлар томонидан Лиссабон шартномаси ратификация қилинганидан сўнг европа кенгаши ЕИ институти мақомига эга бўлди. Унинг доирасида амалга оширилаётган бошқарув юқори даражадаги сиёсатчилар ишироки натижаси ўлароқ катта аҳамият ва легитимликка эга.

2011 йил 1-январ ҳолатига кўра кенгаш аъзолари:

- Херман Ван Помпей-Европа кенгаши раиси (овоз бериш ҳуқуқига эга эмас);
- Вернер Файман – Австрия;
- Ив Летрм – Бельгия;
- Бойка Борисов – Болгария;
- Димитрис Христофис – Кипр;
- Петр Нечас – Чехия;
- Ларс Лёкке Рассмуссен – Дания;
- Андрус Ансип – Эстония;
- Мари Кивиниеми – Финландия;
- Николя Саркози – Франция;
- Ангела Меркел – Германия;
- Георгиос Папандреу – Гритсия

- Виктор Орбан – Венгрия;
- Браян Коуен – Ирландия;
- Силвио Берлускони – Италия;
- Балдис Домбровискис – Латвия;
- Андрюс Кубилюс – Литва;
- Жан-Клод Юнкер – Люксембург;
- Лоуренс Гонзи – Мальта;
- Марк Рютте –Нидерландия;
- Доналд Туск – Польша;
- Жозе Сократеш – Португалия;
- Эмил Бок – Руминия;
- Ивета Радичова - Словакия;
- Борут Пахор – Словения;
- Хосе Луис Сапатеро – Испания;
- Ён Райнфельдт – Швеция;
- Дэвид Кэмерон – Великобритания;
- Жозе Баррозу – еврокомиссия раиси (овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).

Ягона европа акти 1957 йилдаги Рим шартномасининг биринчи жиддий қайта кўриб чиқиши натижасида юзага келди. Ушбу акт европа ҳамжамиятида 1992 йил 31 декабрдан умумий бозорни яратишни назарда тутди ҳамда умумий ташқи сиёсий ва ҳавсизлик шартномасини янги кўриниши бўлган европа сиёсий ҳамжамияти ғоясини шакллантирди. 1986 йил 12 феврал Люксембургда ва шу йили 28 февралда Гаагада имзолади. 1987 йил 1 июлда кучга кирди.

1980 йилларда европа ҳамжамияти аъзолари ўртасида эркин савдонинг амалда йўқлиги оқибатида норозиликка жавобан тузилган бўлиб, сиёсий йетакчилар ва ишбилармон доиралар тамонидан давлатлар ўртасида қонунларни мувофиқлаштириш, сиёсий келишмовчиликларни ҳал этиш

мақсадида яратилди. Умумий бозорни таҳлил қилувчи қўмита зарурий қарорларни ишлаб чиқди, бу ўз навбатида ЯЕАга асос бўлди.

ЯЕАни энг муҳим таркибий қисмларидан бири ЕХ доирасида 1992 йилда умумий бозорни яратиш эди. Умумий бозорни шакллантиришнинг шу муддатда режалаштириши қонунчиликка доир зарурий ислохотларини яқунланиши билан боғлиқ эди. Шу мақсадда ЯЕА доирасида қонунчилик жараёнига ҳамкорлик амалиётини киритиш орқали ислох қилинди, шунингдек ЕИКда овоз берувчи ҳудудларни янада кенгайтирди. Бу чоралар қонунчилик жараёни учун кетадиган вақтни қисқартирди.

ЯЕАда ҳамкорлик юзасидан давлатлар ўртасида қолган тўсиқларни олиб ташлади ва европа малакатларидаги уйғунлашув ҳамда рақобатбардошликни оширишга қаратилган эди.

Амстердам шартномаси Европа иттифоқи тўғрисидаги, европа ҳамжамиятларини тузиш тўғрисидаги шартномага ва шу билан боғлиқ бошқа актларга ўзгартиришлар киритди. Бу шартнома 1997 йил 2 октябрда имзоланди ва 1999 йил 1 майдан кучга кирди. 1992 йилдаги Маастрихда имзоланган шартнома сезиларли ўзгартиришлар киритди.

Ницца шартномаси 2001 йил 26 февралда европа етакчилари томонидан имзоланди. 2003 йил 1 февралда кучга кирди. Бу шартнома ҳам Маастрих шартномасига (ёки ЕИ тўғрисидаги шартнома), шунингдек, Рим шартномасига (ёки европа ҳамжамиятлари тўғрисидаги шартнома) ўзгартиришлар киритди. Мазкур шартнома ташкилотнинг шарққа томон кенгайтириш учун Европа иттифоқининг институционал тизимини ислох қилди. Шу билан бирга Амстердам шартномаси томонидан илгари сурилган, лекин шу даврга қадар ҳал этилмаган масалани ечди.

Шартомани кучга киритиш 2001 июнда Ирландияда ўтказилган референдумда фуқаролар томонидан рад этилиш оқибатида ортга сурилди. Кейинчалик бир йилдан сўнг қайта ўтказилган референдумнинг ижобий натижаси самараси ўлароқ кучга кирди. Лиссабон шартномаси (расмий номланиши - «Европа иттифоқи тўғрисидаги шартнома ва европа

хамжамиятларини тузиш тўғрисидаги шартномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Лисабон шартномаси»).

ЕИнинг 2007 йил 13 декабрда Лиссабон шаҳрида жойлашган иеронимитлар монастирида бўлиб ўтган саммитида имзоланган халқаро шартнома. Бу шартнома кучга кирмаган ЕИ конституциясининг ўрнини босиши ва ЕИ бошқарув тизимини ислоҳ этиш мақсадида амалдаги шартномаларга ўзгартиришлар киритиши керак эди.

ЕИни ислоҳ қилиш тўғрисидаги шартнома 27 иттифоқчи-давлатлардан таркиб топган ЕИнинг фаолиятини яхшилаш мақсадида тузилган. Унинг глобал ўзгаришлар шароитида жаҳон миқёсидаги обрўи ва ролини оширишга қаратилган бўлиб, 2007 йил 19 октябрда Лиссабонда бўлиб ўтган ҳукуматлараро конференцияда якуний шаклга келтирилди. Мазкур шартнома ЕИнинг келгуси 10-20 йиллик фаолияти асосларини белгилаб беришига умид билдирилмоқда.

2007 йил 13 декабрда шартноманинг имзоланиши, унинг иштирокчи давлатлар томонидан имзоланиши жараёнини бошлаб берди (2008).

Шартномани ратификация қилиниш жараёнида Ирландия ва Чехияда қийинчиликлар юзага келди. Чехияда парламентнинг 3/5 қисми шартномани маъқуллаши лозим бўлса, Ирландияда референдумдан ўтиши керак эди.

Шунга қарамай, 27та мамлакат парламентида шартноманинг қўллаб қуватланиши 15 йилдан бери давом этиб келаётган ЕИ нинг сиёсий ва институционал ислоҳ этиш масаласини якунига етказди. ЕИнинг асосий шартномаларига киритилган ўзгаришларга 2,5 йил (2004 йил апрелдан 2007 йил 1 январгача) муддат ичида бу ташкилот иштирокчи давлатлар сони 15 дан 27тагача ошган, умумий аҳолиси ярим млрд. га етгани сабаб бўлди. Мазкур шартнома ЕИ конституцияси лойиҳасининг (2004 йил июнда имзоланган лойиҳа) ўрнини босиш керак эди. 2005 йилда ЕИ конституцияси лойиҳаси Франция ва Нидерландиядаги референдумларда рад этилиши натижасида ташклот институционал жиҳатдан боши берк кўчага кириб қолди. Европа иттифоқининг кейинги ривожини учун коллектив муассасалар,

фаолият тамойиллари тартибини соддалаштириш ҳамда янада тушунарли, шакли келтириш зарур эди. Лиссабон шартномаси айти шу мақсадга қаратилган эди.

ЕИ ни ислоҳ қилиш тўғрисидаги ушбу шартнома ташкилотга аъзо давлатлар мақсадлари ва манфаатлари мутаносиблигини мустаҳкамлади. Шартнома матни ЕИ нинг учта асосий ҳужжати – Европа ҳамжамиятларини тузиш тўғрисидаги шартнома (Рим шартномаси, 1957 йил), Маастрих шартномаси (1992 йил) ва атомэнергияси бўйича Европа ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома (1957 йил)га ўзгартиришлар киритди.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб Европа билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олди. Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар икки томонлама ва 1999 йилнинг 1 июлидан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо давлатлар билан Шерикчилик ва ҳамкорлик келишуви доирасида ривожланиб бормоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Европа мамлакатлари билан сиёсий мулоқотни янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш бўйича доимий иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан икки томонлама мулоқоти фаол характерга эга бўлиб, у 5 асосий қўшма орган доирасида амалга оширилмоқда: ҳамкорлик кенгаши, ҳамкорлик қўмитаси, Парламент ҳамкорлиги қўмитаси, Савдо ва инвестициялар бўйича қуйи қўмита ҳамда Адлия, ички ишлар ва бошқа масалалар бўйича қуйи қўмита.

Ҳозирги кунга қадар ҳамкорлик Кенгашининг 9 та йиғилиши (охиргиси 2009 йил сентябрда Брюсселда), ҳамкорлик қўмитасининг 8 та йиғилиши (охиргиси 2010 йил июлда Тошкентда), Парламент ҳамкорлик қўмитаси 8 та йиғилиши (2010 йил октябр, Тошкент), Савдо ва инвестициялар бўйича Кичик қўмита 7 та йиғилиши, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа турдош масалалар бўйича Кичик қўмита 7 та йиғилиши (2010 йил май, Брюссел) ўтказилди.¹

Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш доирасида сўнгги йиллардаги ҳамкорлиги ва ташрифлар алмашинуви икки томонлама ва минтакалараро доирада фаоллашиб бормоқда.

2011 йил 24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Брюсселга ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф доирасида Европа Комиссияси президенти Ж.М.Баррозо ва Европа Иттифоқининг энергетика масалалари бўйича комиссари Г.Эттингер билан учрашувлар ўтказилди. Шунингдек Ўзбекистонда ЕИ дипломатик ваколатхонасини (Делегациясини) тасис этиш тўғрисидаги Келишув, Ўзбекистон Республикаси ва ЕИ ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Баённома ҳамда 2011-2013 йилларда Европа Комиссияси техник кўмаги Индикатив дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Баённома имзоланди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатини Европа Иттифоқисиз тасаввур қилиб бўлмайдиган, ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Европа Иттифоқи учун муҳим ўрин тутадиган, Европа Иттифоқи Парламенти депутати Ж. Аттард-Монтальдо бу борада қуйидаги фикрни билдирган эди: «Бир вақтлар Президент Р. Никсон ҳар бир минтақада унинг тимсоли бўлган давлат бор дея, Италияни мисол

¹ http://mfa.uz/rus/mej_sotr/uzb_mejd_org/uzbekistan_es/

килиб келтирган эди. Агар Марказий Осиёни ифода этадиган мамлакатни кўрсатиш керак бўлса, мен шубҳасиз, Ўзбекистонни танлаган бўлардим».¹

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар 1992 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Европа Иттифоқи ҳамжамиятлари Комиссияси ўртасида Меморандум имзоланиши билан ўрнатилди, 1994 йилнинг 16 ноябрида эса икки томон ўртасида дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди. 1995 йили Брюсселда ЕИ ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади.²

1996 йил 22 июнда Флоренция шаҳрида (Италия) «Фортеза да Бассо калъасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ЕИ Кенгаши раиси бўлган Италия вазирлар кенгаши раиси Романо Проди Шерикчилик ва ҳамкорлик битимини имзоладилар. Юртбошимизнинг фикрича, ҳозирги даврда Марказий Осиёнинг ўсиб бораётган иқтисодий ва сиёсий аҳамияти нафақат савдо-иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларимиз истиқболларига ишонч билан қараш, балки Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида стратегик шерикчилик муносабатлари учун шарт-шароитлар ҳозирлаш имконини беради, Европа Иттифоқи Комиссиясининг собиқ раиси Жак Сантернинг сўзларига кўра, битим Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида сиёсий музокаралар учун мустақкам асос яратади. У ҳозирги вақтда бирмунча паст даражада бўлган савдо ва инвестициялар ҳажмини кўпайтиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга биноан бир нечта қўшма орган, хусусан, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламент ҳамкорлик қўмитаси, Савдо ва сармоялар бўйича қуйи қўмита, Адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва турдош масалалар бўйича қуйи қўмиталар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, илмий-техникавий, таълим, маданият ва

¹ Камолова З. Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги. «Жамият ва бошқарув» журнали. 2010 йил, 4-сон, 91-бет.

² Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: «Akademiyа», 2005, 370-бет.

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмода, ЕИга аъзо давлатларнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ҳамкорлик ҳамда шерикчилик алоқаларини, сиёсий ва иқтисодий эркинликларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликни, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга қўмаклашиш каби масалалар билан боғлиқ.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари ҳақида сўз юритганда, албатта, 2008 йилнинг 17 январида Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили П.Морелнинг мамлакатимизга ташриф буюрганини эсга олиш даркор. Маълумки, П. Морел Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликини ривожлайтиришга муносиб ҳисса қўшган арбоб саналади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқи нафақат Ўзбекистон балки у орқали бутун Марказий Осиё давлатлари билан бўладиган муносабатларга алоҳида эътибор билан қаратади. Германия Европа Иттифоқига раислик қилган 2007 йилда ЕИнинг Марказий Осиё бўйича узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилди. Словения раислик қилган 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиши ва қамокқа олиш бўйича санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтганлиги Европа Иттифоқи томонидан расман эътироф этилди.¹

Ўзбекистоннинг геостратегик жойлашуви транспорт соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, Афғонистонни тикланиш ишларини амалга ошириш, умуман, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш имконини яратади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 2010 йил 15 ноябрда мамлакатимизга Европа Иттифоқи Комиссиясининг Тараққиёт бўйича комиссари А. Пиебалгс раҳбарлигида

¹ Камолова З. Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги. «Жамият ва бошқарув» журнали. 2010 йил, 4-сон, 91-бет.

делегация ташриф буюриб, Президент Илом Каримов учрашув чоғида А.Пиебалгс Европа Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Шу билан биргаликда, А.Пиебалгс давлатимиз раҳбарига, Қирғизистон жанубида рўй берган воқеаларга вазминлик ва донолик билан муносабатда бўлганлиги, Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирди. Бу Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда олиб бораётган ташқи сиёсати тўла-тўқис қўллаб-қуватланаётганидан дарак беради. Хулоса шуки, Европа Иттифоқи ва ташкилотга аъзо давлатлар Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида муносиб ўрин тутди, шу билан биргаликда, Европа Иттифоқи ва ташкилотга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида тутган ўзига хос нуфузи ва Президент Илом Каримов томонидан минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббуслар ва саъй-ҳаракатларнинг аҳамиятини тўлиқ тан олган ҳолда республикамиз билан муносабатлар кўламини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Брюссел шаҳрига олий даражадаги ташриф Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни тенг ҳуқуқлик ва ўзаро шериклик асосида кенгайтиришга бўлган қизиқишини намоён этди. Ташриф давомида бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек, томонлар ҳамкорликни ривожлантириш бўйича салмоқли салоҳиятга эга. Мазкур салоҳиятни амалга ошириш ўзаро манфаатларга жавоб беради.

2004 йилда ЕИ ташаббуси билан тасис этилган Европа Иттифоқи-Марказий Осиё минтақалараро мулоқоти доирасида 2011 йил 7 апрелда Тошкентда ташқи ишлар вазирлари даражасидаги навбатдаги «Европа Иттифоқи-Марказий Осиё» учрашуви бўлиб ўтди. Текстил товарлари савдоси тўғрисидаги ўзаро Келишувнинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан, тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи

ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Келишувга ўзгартиришлар киритиш бўйича Протокол имзоланди.

Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар - АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа, мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақида фикр юритишдан олдин халқаро муносабатларда муҳим роль ўйновчи «асосий учлик» ҳақида тўхталиш лозим. Яъни булар АҚШ, Европа Иттифоқи ва Япониядир. Бу учлик биргаликда жаҳон бозоридаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб ярмидан кўпини етказиб беради, уларнинг экспорт ва импорт улуши ҳам жаҳон савдо обороти умумий салмоғининг ярмидан кўпини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси бу учликнинг икки субъекти - АҚШ ва Япония билан стратегик шериклик ва ҳамкорлик шартномасини имзолаган. Европа Иттифоқи билан эса 1996 йилда кенг миқёсдаги ҳамкорликни кўзда тутувчи Шериклик ва Ҳамкорлик битимини тузган. Бундан ташқари Европа Иттифоқи ва мамлакатимиз ўртасида 20 га яқин бошқа турдаги шартномалар мавжуд. Икки томонлама муносабатлар ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий соҳаларда ривожланиб бормоқда. Чунончи 2001 йилга келиб, Европа Иттифоқи ва республикаимиз ўртасидаги савдо айланмаси 1 млрд. 57 млн. АҚШ долларини ташкил этди.¹ Буларнинг барчаси Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишидан дарак беради.

Европа Иттифоқи Кенгашининг 1996 йил июнда Флоренцияда (Италия) бўлиб ўтган йиғилишида Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди. Учрашув жараёнида «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртаси-даги шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги

¹ Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: «Akademiya», 2005, 369-бет.

келишув имзо-ланди. Европа Иттифоқида эришилган юксак натижалар тажрибаси давлатлараро бошқа ташкилотлар учун ҳам, муайян бир давлатнинг тараққийси учун ҳам фойдадан холи эмас.

Шу боис, Президент И. А. Каримов: «МДХнинг истиқболи Европа Иттифоқи каби моделнинг амалга оширилишида кўринади... Айнан шу модель МДХни жонлантириши, унга тоза ҳаво бериши мумкин. Ҳамдўстликнинг ҳар бир аъзоси ўзининг муносиб ўрнини топа оладиган истиқбол — бу Европа Иттифоқи модели асосида ривожланиш, деб ўйлайман.

Албатта, демократияни ривожлантириш ва демократик жамият куриш соҳасида ҳам биз Европа Иттифоқи андозаларини қўллашимиз керак бўлади. Бу — менинг қатъий фикрим. Европа Иттифоқига хос демократик кадриятлар, инсон тафаккури, таълим тизими, ижтимоий кафолатлар, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари — буларнинг барчаси биз учун тўла мос келади. Мен ушбу тизимни кўр-кўрона кўчириб олишни назарда тутаётганим йўқ, албатта. Бизнинг ўз менталитетимиз, ўз муаммоларимиз бор ва биз бу жиҳатларни ҳисобга оламиз», деб таъкидлайди.¹

Европа Иттифоқи ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши эканлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Юксак ишлаб чиқариш технологияси, бошқарувнинг самарали механизмлари, юксак ғарбча маданият, демократия ва инсон ҳуқуқларининг энг илғор намуналарини ўзида мужассам этган Европа давлатлари биз учун манфаатли ҳамкор бўлишига шубҳа йўқ.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон орасидаги алоқалар давлатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ куртак ёза бошлаган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши Европа Иттифоқи ташкилоти олдига ёш давлатни тан олиш ва у билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш масаласини қўйди. 1992 йил 15 январда Лиссабон ва

¹ Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. - Т.: 2005. 366-367-бетлар.

Брюсселда қабул қилинган «ўн иккилар» нинг қўшма Декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эътироф этди. Тез орада дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1994 йил ноябр ойида Европа Иттифоқининг минтақамиздаги биринчи ваколатхонаси очилди.¹

Ўзбекистон Республикаси ўртасида 1993 йил 8 июнь ва 1999 йил 15 сентябрда «Тўқимачилик маҳсулотлари савдоси бўйича битим», 1996 йил 14 ноябрда наркобизнесга қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим ва бошқа бир қатор шартномалар имзоланди.

1996 йил 22 июнда икки томонлама муносабатлар ривожига алоҳида воқеа қайд этилди. Италиянинг қадимий ва гўзал шаҳри бўлмиш Флоренциянинг кўҳна «Фортезза де Боссо» қалъасида бўлиб ўтаётган Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо давлатларнинг навбатдаги Кенгашида Европа Ҳамжамияти ва уларга аъзо давлатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида битим имзоланди.² Уни Ўзбекистон Республикаси номидан Президентимиз Ислом Каримов, ЕИ томонидан Европа Кенгашининг ижрочи раиси, Италия Ташқи ишлар вазири Ламберто Дини ва 15 аъзо давлатларнинг Ташқи ишлар вазирлари имзоладилар. Битимни имзолаш чоғида Президентимиз ушбу шартнома ЕИ ва мустақил Ўзбекистон муносабатларида янги бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилишини ҳамда ёш давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун кенг имкониятлар очишини таъкидлади: «Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида «Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг имзоланиши, шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир».³

Битим икки томонлама муносабатларнинг жуда кенг кўламини қамраб олган. Унда томонлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, савдо муносабатларини

¹ Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: «Akademiya», 2005, 369-бет.

² Европа Иттифоқи ташкилоти 1992 йил 7 февралда имзоланган Маастрих шартномаси асосида ташкил топган. Унга қадар Европа Ҳамжамияти деб аталган.

³ Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: «Akademiya», 2005, 371-бет.

тартибга солиш, ижтимоий, молия, илм-фан, технология ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам асос яратиш ўз аксини топган.

Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш шарти билан 10 йил қилиб белгиланди. У 1999 йил 1 июлдан амалга кирди.

Энди «Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим»да назарда тутилган ҳамкорликнинг устувор йўналишлари хусусида қисқача тўхталсак. Бу битим тўғрисида сўз юритар экан президентимиз И.А.Каримов «Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг мана шундай юксак анжуманда имзоланиши - шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир.

Биз бу муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувига қаратилган устувор йўналиши, деб қараймиз»¹ деб қайд этиб ўтганлар.

Савдо муносабатларини ҳеч қандай тўсиқларсиз ривожлантириш мақсадида ҳар икки томон ўзаро божхона солиқларидан озод бўлишга келишдилар. «Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг 10-моддаси божхона тўлови ва солиқларини бутунлай тугатишни назарда тутмаса-да, маълум муддатга киритилаётган товарлар устидан импорт солиғи ва чекловларни бекор қилади.

Шунингдек, 3-бўлимнинг 8-моддаси ҳар икки томонга энг катта имтиёз берилган миллат тамойилини белгилайди. Бу принцип, асосан, божхона ҳуқуқи, экспорт-импорт тўловлари, тўловлар ўтказиш, тўлов усуллари каби соҳаларни қамраб олади.

11-моддага биноан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилиб, Европа Иттифоқи томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар, ўз навбатида, Европа Иттифоқида ишлаб чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳар қандай миқдорий чекловлар ва тенг таъсирли чоралардан ҳолидир. Шу билан бирга, антидемпнинг чораларини

¹ Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. - Т.: 1997. 26-бет.

зарурият тақозо қилганда ҳар икки томон 13-моддага асосан қўллай олиши мумкинлиги ҳам эътироф этилади.

Битимнинг 43-моддасининг 3-банди иқтисодий ҳамкорликнинг асосий соҳаларини белгилайди. Унга кўра «ҳамкорлик ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, инсон ресурсларини қувватлаш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, туризм, телекоммуникация, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳаларида кучайтирилади».

55-моддада мавжуд куруқлик ва ҳаво йўллари, порт ва аэропортларни замонавийлаштириш, хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш тадбирлари назарда тутилади. Шунингдек, Трасека куруқлик йўли, газ ва қувур йўллари, ҳаво йўллари қурилишини қисқа муддатда тугаллаш ва ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Марказий Осиёдаги давлатларнинг жўғрофий ўрни минтақанинг транспорт масаласидаги ўзига хос муаммоларини ҳал этишга қаратилган коммуникацион лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этади. Европа Иттифоқи қўллаб-қувватлаётган ҳамда яхшигина молиявий базага эга бўлган кўп йўналишда ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш - Европа қитъасига йўл очиб берадиган Транскавказ йўналишига эга бўлишимизга аниқ имконият яратади.»¹

Атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик эса битимнинг 43, 44 ва 54-моддаларида ўз аксини топган.

Сиёсий жабҳадаги ҳамкорлик битимнинг 68-моддасида ифода этилган. Демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳар томонлама ва изчиллик билан ислоҳотлар олиб бориш, жамоат ташкилотлари, нодавлат уюшмаларнинг мавқеини ошириш каби масалаларга кенг ўрин берилган.

Маданий ҳамкорлик эса 73-моддада баён этилган.

Гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши кураш Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон учун ҳам ҳамиша долзарб муаммолардан бири саналган.

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.Т. 7. - Т.: 1999. 80-бет.

Маълумки Европа Иттифоқи унга қарши кураш мақсадида 1991 йил 5.5 млн. экю ажратган бўлса, 1997 йил бу маблағ 54 млн.га етди. 2000 йил 14 февралда бўлиб ўтган Европа кенгаши эса 2000-2004 йилларга мўлжалланган 4 йиллик дастурни қабул қилди. Маастрихт Шартномасининг 29-моддасида Европа Иттифоқиға нарко-бизнесга қарши курашда бир қатор ваколатлар берилганлиги ҳам маълум. Шу боис «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим»нинг 71-моддасида бу соҳадаги ҳамкорликка алоҳида урғу берилади.

ЕИ ва Ўзбекистон муносабатлари қабул қилинган битим асосида ўзининг ихтисослашган тузилмаларига ҳам эга. Битимнинг 78-79-моддаларига мувофиқ, «Ҳамкорлик Кенгаши» ташкил этилган бўлиб, вазирликлар даражасидаги бу кенгаш йилда бир марта йиғилади ва мавжуд муаммоларни ҳал этади. Унинг биринчи мажлиси 1999 йил 13 сентябрда бўлиб ўтди.¹ Шунингдек, 80-модда асосида фаолият кўрсатадиган ҳамкорлик кўмиталари кундалик вазифалар билан шуғулланади. Бундан ташқари, Европа Парламенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўртасида Ҳамкорликни таъминловчи парламентлараро кўмита ҳам ҳозирги кунга қадар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларда, айниқса, иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарамоқда. Ўз навбатида 380 млн. км 2 майдонга эга бу ташкилот ҳам Ўзбекистон экспорти учун ҳамиша муҳим бозор ҳисобланади. Чунончи, Европа андозасидаги юксак сифатли саноат маҳсулотларига мамлакатимиздаги талабни ҳисобга оладаган бўлсак, ўзаро манфаатдорлик мезони савдо алоқаларининг ривожланиши учун етарли асос бўла олишини тушиниш қийин эмас.

Дарҳақиқат, Европа Иттифоқи — Ўзбекистон савдо алоқалари тобора кучайиб бормоқда. Биз бу алоқаларнинг ўсиш салмоғини қуйидагача ифода этишимиз мумкин: ЕИнинг Ўзбекистон маҳсулотларига импорти 1993 йил 417 млн. экюни ташкил этган бўлса, 1998 йилда унинг ҳажми 570 млн. экюга

¹ Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида. —Т.: «Akademiya», 2005, 373-бет.

етди. ЕИнинг Ўзбекистонга экспорти эса 1993 йил 201 млн. экюни ташкил этган бўлса, 1998 йилда унинг ҳажми 780 млн. экюга етди.

Европа экспорти маҳсулотларининг асосий қисмини электр жиҳозлари ва машиналар (32%), Қишлоқ хўжалиги ва пластик материаллар (22%) ташкил этса, Ўзбекистон экспортининг катта улуши тўқимачилик маҳсулотлари (66%) ва қимматбаҳо материаллардан (28%) иборат.

Ўзбекистон ўзининг табиий заҳиралари ва интеллектуал имкониятлари билан ҳам Европа Иттифоқи сармояларини ўзига жалб қилиб келаётган диёрдир.

Умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар

Битирув малакавий иши учун танлаб олинган мавзунини ўрганиш натижасида қуйидаги хулусаларга келинди:

Европани бирлаштириш ғояси иккинчи жаҳон урушидан сўнг аниқроғи, 1946 йил 16 сентябрда Цюрих университетида У.Черчил сўзлаган нутқда Америка Қўшма штатларига ўхшаган «Европа қўшма штатлари»ни барпо этиш лозимлиги эълон қилинганидан кейин яна жонланди. Натижада 1949 йилда Европа кенгаши ташкилоти тузилди ва у бугунги кунга қадар фаолият юритмоқда;

Европа интеграцияси ва Европа ҳамжамиятлари (Европа иқтисодий ҳамжамияти, атом энергияси бўйича европа ҳамжамияти) номини олган давлатлараро тузилмаларни шаклланиши жараёнини кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси (European Coal and Steel community) - Ғарбий Европа мамлакатларининг давлат монополистик ташкилотининг тузилиши бошлаб берди. Ғарчи, урушдан кейинги европа интеграциясига турли давлатларнинг иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тенгсизлиги, Германияга нисбатан ишончсизлик, шунингдек бирлашган Европа етакчилиги учун инглиз-француз рақобати ҳалақит берган бўлсада, жараён тўхтаб қолмади;

Ғарбий Европа иқтисодий интеграциясини «Маршал режаси» иштирокчилари томонидан 1948 йилда тузилган Европа иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти бошлаб берди. Бу ташкилот мувофиқлаштирувчилик вазифасини бажарди;

1949 йилда Европада биринчи сиёсий ташкилот - Европа кенгаши тузилган бўлсада, унинг қарорлари тавсия характерига эга эди холос, унинг кейинги фаолияти «совуқ уруш» таъсирида сустлашиб қолди;

1957 йилда Бельгия, Недерландия, Люксембург, Франция, Италия ва ГФР иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш мақсадида Европа иқтисодий ҳамжамиятини тузди. Дастлаб Европадаги 6 мамлакат (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург) ташкилот аъзоси бўлган, кейин Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йилдан), Греция (1981 йилдан),

Испания, Португалия (1986 йилдан) қўшилган. ЕИХ қитъада — иқтисодий тараққиёт даражасини кўтариш йўли билан ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга хизмат қилди. 1993 йили Европа Иттифоқиға таркибий қисм бўлиб кирди;

1967 йилда учта Европа ҳамжамиятлари ягона Европа ҳамжамиятига бирлашди;

Греция ЕИХга қўшилиш истагини 1975 йил июнида билдирди ва 1981 йил 1 январда ҳамжамият аъзосига айланди;

1985 йилда Гренландия ички ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқини олди ва ўтказилган референдумдан сўнг ЕХдан чиқиб кетди;

Португалия ва Испания 1977 йилда ЕИХ га қўшилишга ариза берди ва 1986 йил 1 январда аъзоликка қабул қилинди;

1986 йил февралда Люксембургда Ягона Европа Акти имзоланди;

XX асрнинг 60-70 йилларида Ғарбий Европа интеграцияси жараёни давом этди ва ривожланди;

1973 йилда нефт нархининг кескин кўтарилиши Ғарбий Европада иқтисодий ривожланишнинг пасайишига олиб келди. Бироқ бу ҳол Европа ҳамжамияти аъзоларининг муқобил энергия манбаларини қидириш, тежамкор технологияларни қўллашга мажбур этди;

ЕИХ га Буюк Британия, Ирландия ва Даниянинг қўшилиши (1973 йил 1 январ) натижасида аъзоларнинг сони 9 тага етди ва Европа «тўққизлиги» вужудга келди 1975 йилда Греция, 1977 йилда Португалия ва Испания ЕИХ га қўшилиш тўғрисидаги аризаларини киритдилар. Ҳар уч давлат демократик ривожланиш йўлини танлади Греция 1981 йил 1 январдан Португалия ва Испания 1985 йил мартда ЕИХ нинг тўла қонли аъзосига айланди. 1985 йил июнда ГФР канцлери Гельмут Коль ва Франция президенти Франсуа Миттеран Европа иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг биргаликда тузилган лойиҳасини илгари сурдилар. Унда мувофиқлашган муҳофаа ва ташқи сиёсатни ўтказиш назарда тутилди;

1992 – йилда Европа ҳамжамиятига кирадиган барча давлатлар Европа Иттифоқини тузиш ҳақидаги Маастрих шартномасини имзоладилар;

2002 йил январь ҳолатига Ташкилотга 15 мамлакат (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция) аъзо эди;

Австрия, Финляндия (Алант ороллари билан биргаликда) ва Швеция 1995 йил 1 январдан Европа иттифоқига аъзо бўлди. Иттифоққа аъзо давлат сони 15 тага етди;

1997 йилда ЕҲ аъзолари томонидан Амстердам шартномаси тузилди. (Шартнома 1999 йилда кучга кирди.) Маастрих шартномасининг имзоланиши натижаси ўлароқ, Европа пул бирлиги сифатида Евро муомулага киритилди. Евро (Euro) — Европа Иттифоқи таркибидаги Европа иқтисодий ва пул ҳамжамияти аъзолари (Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия ва Франция)нинг пул бирлиги;

Лиссабон шартномаси – 2007 йил 13 декабрда Лиссабонда имзоланди. Шартнома кучга киришдан олдин 27 та аъзо давлат томонидан ратификация қилиниши керак эди. Ницца шарномаси 2001 йил 26 февралда имзоланган ва 2003 йил 1 февралда кучга кирган. Шартнома ЕИ га аъзо давлатларининг сони 25 тага етганидан сўнг иттифоқнинг ижроия вазифаларини амалга ошира олиши учун институционал ислохатлар билан боғлиқ эди;

Амстердам шартномаси 1997 йил 2 октябрда имзоланди ва 1999 йил 1 майда кучга кирди. У ЕИ ва ЕҲ шартномаларини қайта кўриб чиқди ва тузатиш киритди. Ягона Европа акти Люксембург ва Гаагада имзоланган бўлиб 1987 йил 1 июлдан кучга кирди ҳамда ички бозорни шакллантириш йўлида мувофиқлаштиришни бошдан кечирди;

Қўшилиш шартномаси 1965 йил 8 апрелда Брюсселлда имзоланди ва 1967 йил 1 июлдан кучга кирди. У уч Европа ҳамжамиятининг ягона комиссия ва ягона кенгашини юзага келтирди;

Рим шартномаси - Европа иқтисодий ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома 1957 йил 25 мартда имзоланиб, 1958 йил 1 январдан кучга кирган. Европанинг Атом энергияси бўйича ҳамжамияти (Евроатом) ни тузиш тўғрисидаги шартнома худди шу вақтда имзоланган бўлиб, бу икки шартнома биргаликда Рим шартномалари номини олган;

Пулат ва кўмир бўйича Европа ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома - 1951 йил 18 апрелда Парижда тузилган бўлиб, 1952 йил 23 июлда кучга кирган ва 2002 йил 23 июлга қадар амалда бўлди. Европа интеграциясининг тўртинчи босқичи - 2002 йил 9 октябрда Европа комиссияси 2004 йилда Европа Иттифоқи киришга номзод бўлган 10 та давлатни тавсия этди: Эстония, Литва, Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Кипр ва Мальта. Ушбу 10 та давлатнинг аҳолиси 75 млн.ни ташкил этиб, уларнинг ЯИМи 840 млрд. АҚШ доллари ёки қиёслаш учун биргина Испаниянинг ЯИМи билан деярли тенг. 2003 йил 16 апрельда Афинада ЕИнинг 15 та « эски» ва 10 та « янги» аъзолари томонидан қўшилиш ҳақида шартнома имзоланди. 2003 йил 9та давлат Кипрдан ташқари референдум ўтказилди, сўнгра шартнома парламентлар томонидан ратификация қилинди;

2004 йил 1 майда Эстония, Латвия, Литва, Польша, Чехия, Словакия, Словения, Кипр ва Мальта ЕИнинг аъзоларига айланди;

2007 йил 1 январда Болгария ва Руминиянинг ЕИга қўшилиши, унинг чегараларини янада кенгайтди. 2005 йил 15 декабрда Македония ЕИга киришга расмий номзодлик мақомига эга бўлди. 2005 йил 21 февралда ЕИ Украина билан ҳаракат режасини имзолади. Бу ҳолат балки, Украинада ҳокимият тепасига ЕИга киришга йўналтирилган ташқи сиёсий стратегиясини қўлловчи кучларнинг келиши билан боғлиқдир. Айтиш мумкин, ЕИ раҳбарининг фикрига кўра, Украинани ташкилотга тўлақонли аъзолиги тўғрисида сўз юритишга ҳали эрта;

2004 йилда ЕИнинг кенгайтунига қадар аъзолари бўлган давлатлардан кузатувчи сифатида Австрия, Дания, Финландия, Швеция, Ирландиядан

ташқари давлатлар шу ташкилотлар аъзоси эди. Исландия, Норвегия, Польша, Туркия, Венгрия, Сехия, Болгария, эстония, Латвия, Литва, Руминия, Словакия ва Словения умумий ҳамкор давлатлар мақомига эга бўлган;

Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб Европа билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олди. Ўзбекистон билан Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар икки томонлама ва 1999 йилнинг 1 июлидан кучга кирган Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан икки томонлама мулоқоти фаол характерга эга бўлиб, у 5 асосий қўшма орган доирасида амалга оширилмоқда: ҳамкорлик кенгаши, ҳамкорлик қўмитаси, Парламент ҳамкорлиги қўмитаси, Савдо ва инвестициялар бўйича қуйи қўмита ҳамда Адлия, ички ишлар ва бошқа масалалар бўйича қуйи қўмита;

2011 йил 24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Брюсселга ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф доирасида Европа Комиссияси президенти Ж.М.Баррозо ва Европа Иттифоқининг энергетика масалалари бўйича комиссари Г.Эттингер билан учрашувлар ўтказилди;

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқалар 1992 йилнинг 15 апрелида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Европа Иттифоқи ҳамжамиятлари Комиссияси ўртасида Меморандум имзоланиши билан ўрнатилди, 1994 йилнинг 16 ноябрида эса икки томон ўртасида дипломатик муносабатлар йўлга қўйилди. 1995 йили Брюсселда ЕИ ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади 2007 йилда ЕИнинг Марказий Осиё бўйича узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилди. Словения раислик қилган 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиши ва қамокқа олиш бўйича санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтганлиги Европа Иттифоқи томонидан расман эътироф этилди;

2010 йил 15 ноябрда мамлакатимизга Европа Иттифоқи Комиссиясининг Тараққиёт бўйича комиссари А. Пиебалгс раҳбарлигида

делегация ташриф буюриб, Президент Ислам Каримов учрашув чоғида А.Пиебалгс Европа Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади;

2004 йилда ЕИ ташаббуси билан тасис этилган Европа Иттифоқи-Марказий Осиё минтақалараро мулоқоти доирасида 2011 йил 7 апрелда Тошкентда ташқи ишлар вазирлари даражасидаги навбатдаги «Европа Иттифоқи-Марказий Осиё» учрашуви бўлиб ўтди. ЕИнинг Ўзбекистон маҳсулотларига импорти 1993 йил 417 млн. экюни ташкил этган бўлса, 1998 йилда унинг хажми 570 млн. экюга етди. ЕИнинг Ўзбекистонга экспорти эса 1993 йил 201 млн. экюни ташкил этган бўлса, 1998 йилда унинг хажми 780 млн. экюга етди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Т. 7. - Т.: 1999.
2. Каримов И. А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Т. 18. - Т.: 2010.
3. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. - Т.: 2005.
4. Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. - Т.: 1998.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т. 5. - Т.: 1997.
6. Антонович И. И. Современный капитализм — социодинамика власти. М., 1990.
7. Арах М. Европейский союз: видение политического объединения. М., 1998.
8. Аттали Ж. На пороге нового тысячелетия. М., 1993.
9. Базарбаев Б. В поисках истинного либерализма. М., 1994.
10. Бешлосс М., Тэлбот С. На самом высшем уровне. Закулисная история окончания холодной войны. М., 1994.
11. Борхардт К. Д. Азбука права Европейского сообщества. М., 1994.
12. Бузгалин А. Вглядываясь в XXI век: Европейский Союз и СНГ. М., 1998.
13. Век XX: политика, люди, судьбы. Авт. сост. Ш.Эргашев, Т.Бобоматов, Н.Турсунов. –Т.: «Шарк», 2007
14. Глухарев Л. И. Общественные процессы и гуманитарная Европа. М., 1995.
15. Гончарова Т. Человечество на пороге XXI века. Взгляды зарубежных политологов. М., 1997.
16. Европа и Россия: проблемы южного направления. М., 1999.
17. Европа на пороге XXI века: ренессанс или упадок? М., 1998.
18. Европейская интеграция, Большая Гуманистическая Европа и культура. М., 1998.

- 19.Европейская комиссия: Программа Тасис. Брюссель, 1998.
- 20.Европейский союз: новый этап интеграции. М., 1996.
- 21.Европейский союз: Путеводитель. М., 1998.
- 22.Журкин В. В. Европейский Союз: Внешняя политика, безопасность, оборона. М., 1998.
- 23.Жўраев Н. Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. тўлдирилган ва қайта нашр. –Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009.
- 24.Заболотный В.М. Новейшая история стран Европы и Северной Америки: Конец XX – начало XXI века. Учебное пособие для студентов. –М.: Издательство АСТ, 2004.
- 25.Западная Европа на пороге третьего тысячелетия: безопасность, политика, экономика. М., 1995.
- 26.Иноземцев В. Л. За пределами экономического общества. М., 1998.
- 27.История европейской интеграции (1945—1994). М., 1995.
- 28.Кальвокоресси П. Мировая политика после 1945 года. М., 2000.
- 29.Каменская Г.В., Родионов А. Н. Политические системы современности. М., 1994.
- 30.Камолова З. Ўзбекистон – Европа Иттифоқи ҳамкорлиги. «Жамият ва бошқарув» журнали. 2010 йил, 4-сон, 91-бет.
- 31.Капустин А. Я. Европейский союз: интеграция и право. М., 2000.
- 32.Керни Р. Диалоги о Европе. М., 2002.
- 33.Ландрам Д. Тринадцать мужчин, которые изменили мир. Ростов-на-Дону, 1997.
- 34.Мирзаев Т. «Европа - Кавказ - Осиё транспорт йўлаги, Трасеса», Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 412-413-бетлар.
- 35.Мирзахолов А. «Евро (Euro)», Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 405-бет.

- 36.Одилқориев Х.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик. Олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари жамияти, 2009.
- 37.От Хельсинки до Будапешта. История СБСЕ/ОБСЕ в док. 1973—1994. В 3 т. М., 1997.
- 38.Пономарев М.В., Смирнова С. Ю. Новая и новейшая история стран Европы и Америки. Практическое пособие. В 3 ч. М., 2000.
- 39.Ражабов Қ. ва бошқалар. Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврларда бугунги кунгача). –Т.: «Ўзбекистон», 2011.
- 40.Развитие интеграционных процессов в Европе и России. М., 1996.
- 41.Россия и основные институты безопасности в Европе: вступая в XXI век М., 2000.
- 42.Россия и Совет Европы: перспективы взаимодействия. М., 2001.
- 43.Саидкасимова Б. Магнетизм европейской интеграции // Ҳуқуқ-Право-Law. - 2004. - №2. 65-бет.
- 44.Синджански Д. Федеративное будущее Европы. От Европейского Сообщества до Европейского союза. М., 1998.
- 45.Стародубов В. П. Супердержавы XXI века: Стратегическое противоборство. М., 2001.
- 46.Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.: «Akademiyа», 2005.
- 47.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2005, 373-бет.
- 48.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2001, 213-214-бетлар.
- 49.Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, -Т.: 2002, 410-бет.
- 50.http://europa.eu/about-eu/eu-history/index_en.htm
- 51.http://mfa.uz/rus/mej_sotr/uzb_mejd_org/uzbekistan_es/

Мундарижа

Кириш.....	
I боб. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европадаги интеграцион жараёнлар.....	
1.1. Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси (European Coal and Steel community)дан Европа ҳамжамиятларини барпо этишга томон.....	
1.2. Европа ҳамжамиятларидан ягона Европа ҳамжамиятига	
II боб. Европа Иттифоқи: XXI асрга кадам.....	
2.1. ЕИнинг шаклланишида Маастрих шартномасининг ўрни.....	
2.2. ЕИда интеграциянинг чуқурлашиши ва аъзо давлатлар сонининг ортиши.....	
2.3. Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлиги.....	
Умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар.....	
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

**ҚДПИнинг тарих факультети тарих йўналиши IV босқич “Н” гуруҳ
талабаси Ғофурова Ораста Ғуломовнанинг “Европа Иттифоқининг
ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари” мавзусида тайёрлаган
битирув малакавий ишига
илмий раҳбар хулосаси**

О.Ғ.Ғофурованинг битирув малакавий иши ўта долзарб мавзуга бағишланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ишнинг тузилиши фалсафий мантикий жиҳатдан талабга жавоб беради. Европа Иттифоқининг ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари манбаларга асосланиб, жуда яхши очиб берилган.

БМИ кириш, иккита боб, умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, шаклан ва мазмунан ўз ниҳоясига етган. Унинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқот предмети, объекти, мақсад ва вазифалари очиб берилганлиги ишнинг катта ютуғи бўлган.

БМИнинг I боби “Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европадаги интеграцион жараёнлар” деб номланиб, ушбу масала иккита фаслга ажратиб ёритиб берилган. Бобнинг биринчи фасли “Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси (European Coal and Steel community)дан Европа ҳамжамиятларини барпо этишга томон”га бағишланган бўлса, иккинчи фаслида “Европа ҳамжамиятларидан ягона Европа ҳамжамиятига”га доир илмий адабиётлар, манбалар, вақтли матбуот нашрлари асосидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ишнинг II боби “Европа Иттифоқи: XXI асрга қадам ” деб номланади. Мазкур боб ута фаслдан иборат бўлиб, биринчи фаслида “ЕИнинг шаклланишида Маастрих шартномасининг ўрни” тўғрисида тўхталинган бўлса, иккинчи фасли “ЕИда интеграциянинг чуқурлашиши ва аъзо давлатлар сонининг ортиши”га бағишланган, учинчи фаслида “Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлиги” юзасидан бой таҳлилий материаллар берилиб тегишли хулосалар чиқарилган.

Ишда мавзуга доир бир қатор умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар берилганлиги талаба томонидан олиб борилган жиддий илмий тадқиқотнинг маҳсули десак тўғри бўлар эди. Шу билан бирга БМИ матнида баъзи бир жузъий орфографик камчиликлар ҳам мавжуд.

Бироқ ушбу ҳолат БМИнинг умумий ҳолатига салбий таъсир ўтказмайди.

Хулоса қилиб айтганда, БМИ мавзу ва режаларда келтирилган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини қамраб олган бўлиб, унда келтирилган мавзуга оид фикрлар ва қарашлар илмий аҳамиятга эга.

Тадқиқотчи БМИни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги 255-сонли буйруғи билан тасдиқланган янги таҳрирдаги талаблар даражасида тайёрлаган. БМИни тугалланган деб ҳисоблаб, ижобий баҳолаган ҳолда ҳимояга тавсия этиш мумкин.

Илмий раҳбар:

ўқитувчи Б.Б.Абдуллаев

**ҚДПИнинг тарих факультети тарих йўналиши IV босқич “Н” гуруҳ
талабаси Ғофурова Ораста Ғуломовнанинг “Европа Иттифоқининг
ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари” мавзусида тайёрлаган
битирув малакавий ишига
тақриз**

О.Ғ.Ғофурованинг битирув малакавий иши бугунги кун учун долзарб мавзуга бағишланган. Ишнинг тузилиши БМИни расмийлаштириш талабларига жавоб беради. БМИда Европа Иттифоқининг ташкил топиши ва унинг ривожланиш босқичлари манбаларга асосланиб, жуда яхши очиб берилган.

БМИ кириш, иккита боб, умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, шаклан ва мазмунан ўз ниҳоясига етган.

БМИнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқот предмети, объекти, мақсад ва вазифалари очиб берилган.

БМИнинг I боби “Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Европадаги интеграцион жараёнлар” деб номланиб, ушбу масала иккита фаслга ажратиб ёритиб берилган. Бобнинг биринчи фасли “Кўмир ва пўлат бўйича Европа уюшмаси (European Coal and Steel community)дан Европа ҳамжамиятларини барпо этишга томон”га бағишланган бўлса, иккинчи фаслида “Европа ҳамжамиятларидан ягона Европа ҳамжамиятига”га доир илмий адабиётлар, манбалар, вақтли матбуот нашрлари асосидаги таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ишнинг II боби “Европа Иттифоқи: XXI асрга қадам ” деб номланади. Мазкур боб ута фаслдан иборат бўлиб, биринчи фаслида “ЕИнинг шаклланишида Маастрих шартномасининг ўрни” тўғрисида тўхталинган бўлса, иккинчи фасли “ЕИда интеграциянинг чуқурлашиши ва аъзо давлатлар сонининг ортиши”га бағишланган, учинчи фаслида “Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳамкорлиги” юзасидан бой таҳлилий материаллар берилиб тегишли хулосалар чиқарилган.

Ишда мавзуга доир бир қатор умумий хулоса ва назарий-услубий тавсиялар берилганлиги талабанинг жиддий илмий тадқиқот олиб борилганидан далолат беради. Шу билан бирга Мавзуни ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларидан унумли фойдаланилгани, айниқса диққатга сазовор.

Хулоса қилиб айтганда, БМИ кириш қисмида мавзуни ёритишга доир қўйилган мақсад ва вазифалар тўла амалга оширилган.

Тадқиқотчи БМИни ДАК талаблари даражасида тайёрлаган. БМИни тугалланган деб ҳисоблаб, ижобий баҳолаган ҳолда ҳимояга тавсия этаман.

Тақризчи:

Қўқон нефт ва газ саноати
коллежи ижтимоий фанлар
кафедраси ўқитувчиси
М.Маҳмудов